

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғлининг

**“ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА
ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ: МИЛЛИЙ ТАЖРИБА ВА ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАР”**

мавзусидаги

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: Ўзбекистон
Республикаси Бош прокуратураси
Академияси “Жиноятчиликка
қарши курашиш ва
хукуқбузарликлар профилактикаси
тўғрисидаги қонунлар ижроси
устидан назорат кафедраси”
бошлиғи адлия маслаҳатчиси
Х.Каримов

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИГИННИГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	
1.1. Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигига оид нормалар таҳлили.....	9
1.2. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишга оид нормалар таҳлили.....	20
1.3. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларига оид суд амалиёти таҳлили.....	40
II БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ОИД НОРМАЛАРНИНГ ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИГИГА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
2.1. Хорижий мамлакатларда вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишнинг айрим жиҳатлари.....	47
2.2. Вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигини либераллаштиришнинг айрим масалалари.....	58
ХУЛОСА.....	65
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	69
ИЛОВАЛАР.....	75

КИРИШ

Магистрлик иши мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб соғлом, баркамол ва ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаш асосий вазифалардан бири ҳисобланди. Мамлакатимизда вояга етмаган шахсларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишлари учун барча шартшароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади ҳамда олиб бориладиган ислоҳотлардаги асосий ўринни келажагимизнинг пойдевори бўлмиш ёшлар эгаллади ва асосий эътибор уларга қаратилди.

Айниқса, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Конституция – эркин ва фаровон хаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий этишнинг мустаҳкам пойдеворидир” номли Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандигининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasида қўйидаги фикрлари алоҳида эътиборга лойик: «Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси авваламбор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ. Шу мақсадда яна бир муҳим хужжат – “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоки фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди. Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини таъкидлаш лозим. Биз ёшлар учун уларнинг соғлом туғилишидан бошлаб, токи мустақил ҳаётга киргунича барча зарур шароитларни яратиб бериш мақсадида қандай катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум»¹. Дарҳақиқат мамлакат раҳбарининг ушбу сўzlари ва бугун амалга ошираётган ислоҳотлари ёшларга, вояга етмаган шахсларга берилган катта эътибор намунасидир.

¹ <http://uza.uz/oz/documents/konstitutsiya-erkin-va-farovon-ayetimiz-mamlakatimizni-yanad-08-12-2017> й

Булардан келиб чиқиб ушбу тадқиқот ишини қуидаги асосларга кўра, бугунги кун учун долзарб бўлган масала деб ҳисоблашимиз мумкин.

Биринчидан, 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида”ги², 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги” Конуни³ ва бошқа конунларда ёшларга оид сиёсатни янада жадаллаштириш, улар томонидан жиноятлар содир этилишини олдини олиш, келажак авлодга замин яратиш кўзда тутилган. Бироқ шуни ҳам тан олиб айтиш керакки, шу каби қонунлар қабул қилинса-да, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар республика бўйича салмоқли улушни ташкил этмоқда. Хусусан, сўнгги 3 йилда (2017-2019 й) вояга етмаганлар томонидан 2500 га яқин (2449 та) жиноят содир этилган⁴.

Иккинчидан, 2016 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармони қабул қилинганлиги жиноий жазоларни либераллаштиришнинг яққол кўриниши бўлди. Мазкур фармондаги Комплекс режанинг 6-бўлими “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада тақомиллаштириш”га бағишлиган бўлиб, унда вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни ўтказишида уларнинг хуқуқий ҳимоясини кучайтириш каби долзарб вазифалар белгиланди⁵. Бироқ ушбу вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган амалий ишларга етарли эътибор қаратилмаяпти.

Учинчидан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини тақомиллаштиришга оид давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини

² Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

⁴ <https://stat.sud.uz/>

⁵ Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда

белгилаб берган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегиясининг” қабул қилиниши суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган босқичи бўлди.

Ушбу Концепцияда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигининг ишончли кафолатини таъминлаш, жазолар тизими ва уларни тайинлаш механизмларини қайтадан кўриб чиқиш, эскирган ҳамда замонавий талабларга жавоб бермайдиган жазолар шакли ва турларини чиқариб ташлаш, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи маротаба содир этган, шунингдек, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари, хусусан вояга етмаганларга нисбатан янада инсонпарварлигини таъминлаш, жиноят процессига жалб этилган вояга етмаганларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган жиноий-хуқуқий нормаларни такомиллаштириш, вояга етмаганларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган жиноят-процессуал нормаларни такомиллаштириш, уларнинг бузилган хуқуқларини тиклаш, шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш бўйича чораларни қучайтириш белгиланди.

Тўртинчидан, Жиноят кодекси қўпгина қоидаларининг тартибга солиниши, яъни вояга етмаганларга тайинланиши мумкин бўлган жазо тизими ва турлари, уларга нисбатан қўлланадиган жазо турларини, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш масалалари ва уларни такомиллаштириш, жазо қўллашда енгилроқ жазо турлари билан алмаштириш, вояга етмаганлар жавобгарлигини либераллаштириш чораларини таҳлил қилиш ва бунга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва илмий асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Бешинчидан, вояга етмаган шахсларга жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилишда судлар томонидан ишнинг ҳолатлари тўлиқ, ҳар

томонлама ўрганилмаётганлиги, далилларга юзаки баҳо берилаётганлиги каби муаммолар амалиётда учраб турганлиги, халқаро ташкилотларнинг вояга етмаганларнинг жиноят ишларини ҳал этадиган ювенал адлия тизимини ташкил этиш бўйича кўрсатмаларини амалга ошириш бўйича концепция ишлаб чиқиш лозимлиги ва бошқалар.

Юқорида келтириб ўтилган муаммолар айнан вояга етмаганлар содир килган жиноятлари учун жавобгарликни тадқик этиш долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқот объекти - бу вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги ҳамда уларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳамда жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш назарда тутилган жиноят қонуни нормалари, бундай нормаларга оид илмий-назарий қарашлар ҳамда тадқиқотга доир амалиёт материаллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади вояга етмаганлар жиноий жавобгарлиги тушунчаси, аҳамияти, юридик тавсифини жиноят ҳукуқи нуқтаи назаридан очиб бериш ва бу тадқиқот давомида МДҲ ва айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиш орқали миллий қонунчиликни хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан таққослаш, тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда мамлакатимизда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлар учун жиноий жавобгарликни белгиловчи ҳамда уларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил этиш, ўрганилган манба ва тадқиқот материаллари асосида ушбу муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилар билан ифодаланади:

- Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазо турлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганиш;
- Вояга етмаганларни жиноий жавобгарлиқдан озод қилишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- Вояга етмаганларни жиноий жазодан озод қилишнинг айрим масалаларини юридик таҳлил этиш;
- Вояга етмаганларни жиноий жавобгарлиқдан ва жазодан озод қилишни такомиллаштириш масалаларини ўрганиш;
- Айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигига вояга етмаганларга нисбатан жиноий жазо тайинлаш масалаларини ёритиш ҳамда вояга етмаганлар жавобгарлиги билан боғлиқ жиноят-хуқуқий нормаларни такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

Илмий янгилиги ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4850-сонли Фармон⁶и юзасидан вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазоларни либераллаштириш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо турларини кўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазони тугатилганлиги, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо киритилганлигидан биринчи марта магистрлик диссертацияси даражасида тадқиқ этилаётганлиги билан изоҳланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Миллий хуқуқшунос олимлардан М.Х.Рустамбаев,⁷ М.Усмоалиев⁸, У.Ш.Холиқулов⁹ ва бошқалар томонидан вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик билан боғлиқ масалалар ҳамда вояга етмаганларни жиноий жавобгарлиқдан ёки жазодан озод қилиш масалалари алоҳида-алоҳида ҳолда муайян даражада ўрганилган.

⁶ Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, Т-2017 й, 6-сон, 70-модда

⁷ Рустамбоев М.Х. Жиноят хуқуки(умумий қисм). Олий Ўқув юртлари учун дарслик.Т. : «ИЛМ ЗИЁ»2005. - 477 бет., М.Х. Рустамбоев Ўзбекистон Республикаси жиноят хуқуки курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. ОТМ учун дарслик. — Т.: «ILM ZIYO», 2010. — 400 б.

⁸ Усмоалиев М. Жиноят хуқуки. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик.—Т., «Янги аср авлоди», 2010й. Б-146.

⁹ У.Ш.Холиқулов. Вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари. ТДЮИ. Т.: 2006.

Шунингдек, М.Д.Шаргородский¹⁰, Х.Д.Аликперов¹¹, А.В.Наумов¹², М.А.Любавина¹³, Р.В.Новиков¹⁴ ва бошқа хорижлик олимлар ҳам ушбу мавзунинг турли жиҳатларини ёритганлар.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ушбу илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ушбу мавзуга оид бўлган илмий юридик билимлар доирасини кўпайишига ва фан назариясининг қонунчиликка киритилган ўзгаришлар асосида янгиланишига, бойишига ҳисса қўшади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган хуроса, таклиф ва тавсиялардан жиноят ҳуқуқи фанини ўқитишда самарали натижа бериши ва ушбу соҳа бўйича илмий изланишлар олиб борувчи тадқиқотчилар учун манба сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Амалий аҳамияти ҳақида эса, Жиноят кодексига вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги ҳамда жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишга оид нормаларга ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш кабиларни айтиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик иши кириш, иккита боб, 5 та параграф, хуроса, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 80 бетни ташкил этади.

¹⁰ Шаргородский М.Д. Назакания. Его сели и эффективность. – Л. Ст.

¹¹ Аликперов Х.Д. Освобождение от уголовной ответственности. –М.: 2002

¹² Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. –М.: Бек, 2006,

¹³ Любавина М.А. Особенности уголовной ответственности и наказания несовершеннолетних: учебное пособие / М.А.Любавина. – Санкт-Петербургский юридический институт (филиал) Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2015. –104 с.

¹⁴ Р.В.Новиков Назначение наказания несовершеннолетним в современных условиях. - диссертацияна соискание ученой степени кандидата юридических наук

I БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИГИНинг ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигига оид нормалар таҳлили.

Мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари замирида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса уларнинг жиноий жавобгарлигига оид нормаларни янада либераллаштириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Ушбу ўринда вояга етмаган шахсларнинг жиноий жавобгарлигига оид нормаларни таҳлил қилиш аввалида жиноий жавобгарликка тортиловчи вояга етмаган шахсга ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бизга маълумки, мамлакатимизда болалар, ёшлар, вояга етмаганларга оид 100 дан ортиқ норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар базаси мавжуд. Мазкур ҳужжатларда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси билан бирга улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чора-тадбирлари, қонун билан зиддиятга киришган вояга етмаганлар учун жавобгарлик масалалари белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг З-моддасида вояга етмаган шахс тушунчасига аниқлик киритган. Унга кўра, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар вояга етмаган ҳисобланади. Жиноий жавобгарликка тортиловчи вояга етмаган шахс эса Жиноят қонунига мувофиқ, жиноят содир этгунига қадар 13 ёшга тўлган, лекин 18 ёшга тўлмаган шахслар ҳисобланади.

Бундан кўришимиз мумкинки, шахснинг белгиланган ёшга етганлиги уни жиноий жавобгарликка тортиш масаласида муҳим аҳамият касб этади. Юридик фанлар доктори, профессор **М. Рустамбоев**, ёшларнинг конкрет миқдори (13, 14, 15, 16, 17дан 18 ёшгача), шахснинг қайси ёшдалиги

аҳамиятга эга эмас, аммо жазони индивидуаллаштириш жараёнида суд томонидан ҳисобга олиниши лозимлиги таъкидлаб ўтилган.¹⁵

Бироқ қўпчилик тадқиқотчилар хусусан, **Ю.Э.Пудовочкиннинг** сўзларига кўра, тиббий мезонлар билан белгиланган биологик (функционал); ижтимоий (фуқаролик) ёши, психологик-педагогик экспертиза томонидан белгиланадиган, ижтимоий мослашишга асосланган, ташки дунёдаги воқеа-ходисаларга жавоб бериш қобилиятига асосланган, мустақил қарорлар қабул қилиш каби бир қатор мезонларга асосланадиган ёш чегаралари аниқ белгиланган.¹⁶

Бизнинг фикримизча эса, жиноий жавобгарликнинг бошланғич ёшини аниқлаш учун асосий мезон - шахснинг ижтимоийлашув даражаси, яъни бу одамга ушбу ҳаракатнинг ижтимоий хавфли хусусиятини англашга имкон бериш, шунингдек, уларнинг хатти-ҳаракатларининг ижтимоий хавфли оқибатлари бошланишини олдиндан билиш имконини берадиган ёшли белгилаш ҳамда жиноят қонунидаги инсонпарварлик ва одиллик принципларига мувофиқ, яъни ёшроқларига енгилроқ жазони, ёши каттароқларига оғирроқ жазони қўллаш лозимлигидан келиб чиқиб вояга етмаганларнинг ёшларини индивидуаллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу масалада ривожланиш психологияси соҳасида тадқиқотлар олиб борган таниқли олимлардан бири **И.В.Шаповаленконинг** фикрларига¹⁷ кўшилган ҳолда шахснинг ижтимоийлашув даражасига етиш ёшини, яъни шахсни содир этган жинояти учун жавобгарликка тортиш учун камида 14 ёшга тўлган бўлиши лозимлигини мақуллаймиз.

Жиноят қонунида белгиланган инсонпарварлик ва одиллик принципларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нинг (ЖКнинг) олтинчи бўлимида “Вояга етмаганлар жавобгарлигининг

¹⁵ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят хукуки курси. II том. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. — Т.: «ILM ZIYO», 2011.— 304 б.

¹⁶ Пудовочкин Ю.Е. Ответственность несовершеннолетних в уголовном праве : история и современность : монография. Ставрополь, 2002. — 256 с.

¹⁷ Шаповаленко И.В. Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология). — М.: Гардарики, 2005. — 349 с

хусусиятлари” кўрсатиб ўтилган, бўлиб ушбу бўлим XV-XVI бобларни ўз ичига олади. Мазкур бобларда вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазолар тизими, жазо тайинлаш қоидалари, жавобгарликдан, жазодан озод қилиш масалалари акс эттирилган. **М.Х.Рустамбоев** фикрича, собиқ Иттифоқ даврида вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш ва унга қарши курашишга етарли даражада (баъзи камчиликларини эътиборга олмаган ҳолда) эътибор берилган бўлса ҳам, аммо Жиноят қонунидаги бундай жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган нормалар шу вақтгача бирор марта ҳам тизимлаштирилган ҳолда алоҳида бир бўлимда берилмаган эди. Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир қилинганида, давлат томонидан уларнинг бу қилмишига бериладиган жазонинг катталарга бериладиган жазога нисбатан анча юмшоқлиги қадимги қулдорлик давлатларига ҳам хос бўлганлигини Рим давлатининг “XII жадвал қонунлари”да ҳам учратамиз¹⁸.

Айтиш керакки, Жиноят қонунчилигимиз МДҲ давлатларида жиноят қонунларидан нисбатан мукаммал бўлишига карамасдан унда вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазоларда бир қатор номутаносибликлар мавжуд. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга жазо тайинлаш мураккаб жараён ҳисобланади. Биламизки, ўрганилаётган ҳар бир объект ўзаро боғлик элементлардан иборат бутун бир тизим сифатида қаралса, бу тизимнинг ижобий ва салбий характерларини таҳлил қилиш осон ва самарали бўлади. Шунга кўра, ЖКнинг 81-моддасида ҳам вояга етмаганларга тайинланадиган жиноий жазолар қатъий яхлит тизим сифатида белгилаб қўйилган, яъни бунда уларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазолар енгилидан оғирига қараб жойлаштирилган. Бу тизимда жарима, мажбурий жамоат ишлари, аҳлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазолари назарда тутилади.

¹⁸ Хрестоматия по истории государства и права зарубежных Стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М, 1984. б 49-50.

Амалдаги Жиноят кодекснинг 82-моддасида жарима жазосини кўллашга оид қоидалар белгилаб қўйилган. Хусусан, жарима жазоси айбдордан давлат даромадига мазкур Кодексда белгиланган миқдорда пул ундириш ҳисобланади. Ушбу жазо вояга етмаганларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади.

Агар маҳкум жарима миқдорини олти ой муддат мобайнида тўлашдан бўйин товласа, суд мазкур жазо турини мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштиради. Бунда суд энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги жаримани мажбурий жамоат ишларининг икки соатига tenglashтирган ҳолда ҳисоблаб чиқиб, уни мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо билан алмаштиради ёки энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги жаримани ахлоқ тузатиш ишларининг бир ойига tenglashтирган ҳолда ҳисоблаб, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо билан алмаштиради.

Фикримизча, вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жарима жазоси ҳам маълум маънода муаммолидир. Сабаби, 13 ёшдан 16 ёшда бўлган шахсларга, умуман олганда вояга етмаганларга содир қилган жинояти учун жарима жазоси қўлланса, жариманинг миқдорини уларнинг ота-оналари, қонуний вакиллари тўлайди. Бунда жазонинг тарбиялаш мақсади ўз аҳамиятини йўқотади. Демоқчимизки, мамлакатимиизда вояга етмаганларнинг таълим олиш жараёнига асосий эътибор берилади, улар дарс машғулотларига таъсир кўрсатмаган ҳолда меҳнат билан шуғулланишлари мумкин. Жарима жазосини ижро этиш механизми ҳам қонунчилигимизда аниқ йўлга қўйилмаган, шунинг учун аксарият ҳолатларда жазодан қўзланган мақсадига эришиш имкони бўлмайди. Айтиш мумкинки, мазкур жазони ижросини таъминлаш учун вояга етмаган шахс бошқа бир жиноятга қўл уриши, масалан ўғрилик жиноятини содир қилиши мумкин ёхуд вояга етмаган шахс учун жарима жазосини ижро этиш муаммо бўлмаслиги, кейинчалик бошқа

жиноят содир этса ҳам ушбу жазо орқали қутулиши, натижада жазодан кўзланган мақсадга Эришилмаслиги мумкин.

Суд томонидан жарима жазосини вояга етмаганларга қўллашнинг айрим хусусиятлари мавжуд. Унга кўра, жарима жазосини вояга етмаганларга тайинлаш тўғрисида бир-бирига қарама-қарши бўлган турли фикрлар мавжуд. **М.Д.Шаргородский:** “...халқни умумий даромаднинг ошиши билан жаримани, айниқса кам аҳамиятли жиноятлар учун кенгроқ қўллашга шароит яратилади”, деб ҳисоблаган.¹⁹

Бундан ташкәари Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти **И.А.Каримов** ҳам айниқса иқтисодиёт соҳасида содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини, хусусан жарима жазосини тайинлашни кенгайтириш лозимлигини таъкидлаб ўтганлар.²⁰

Бироқ жарима жазосини тайинлашда жазонинг бу турини барча вояга етмаган жиноятчиларга қўллаб бўлмайди. Шахсий даромади ёки мулки бўлмаган вояга етмаган шахсга жариманинг тайинланиши, маҳкум бундай жаримани тўлаб бўлганидан сўнг ўзининг моддий шароитини тиклаш мақсадида қонуний чоралар тополмаса, яна янги жиноят содир этиш хавфи юзага келади. Жазо сифатида жаримани қўллаш вақтида суд ҳар қандай жиноий жазо каби, вояга етмаган шахсларга нисбатан ҳам тайинланадиган жазолар шахсий характерга эга эканлигини алоҳида ҳисобга олиши лозим. Чунки деярли кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам жарима жазосини тайинлашда вояга етмаган шахснинг мустақил даромадга, иш ҳақи ёки мол-мулкка эга эканлиги эътиборга олинади. Шунинг учун вояга етмаган шахсга нисбатан жарима жазосини тайинлаш вақтида унинг шахсий маблағига эътибор қаратиш керак.

Бундай қарашни рус тадқиқотчиси **Г.С.Гаверов** ҳам илгари сурган, яъни унинг фикрича, жарима жазосини мустақил даромади бўлмаган вояга

¹⁹ Шаргородский М.Д. Назакания. Его сели и эффективность. – Л. 1973 г. Ст.95-96

²⁰ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т. “Ўзбекистон”, 2002 й. 28-б.

етмаган шахсга таайинлаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки жаримани унинг ота-онаси тўлаши эвазига вояга етмаган шахсда ота-она ёрдами билан жазодан қутилиш мумкин деган салбий хулоса шаклланишига олиб келади.²¹

Жарима жазосининг миқдорини белгилашда, суд, бу жазо миқдори вояга етмаган жиноятчининг нормал турмуш шароити учун зарур бўлган шарт- шароитдан маҳрум қилиб қўймаслиги лозимлигини эътиборга олиши керак. Жаримани қўллаш суд органларига ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишларга жазо тайинлашда имкон қадар жазо ва жавобгарликни дифференциациялаш ва алоҳида ёндашишни амалга оширишига ёрдам беради.

Жаримани катта миқдорда белгилаш фақатгина маҳкумнинг эмас, унинг оиласини ҳам моддий шароитига таъсир қилади, деган эътиrozлар ўринсиз, чунки ўша шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш унинг оиласига бундан ҳам оғирроқ мусибат, оқибатлар олиб келиши мумкин. У.Ш.Холиқулов қуйидагича таъкидлаб ўтган: жариманинг самараси узоқ муддатга мўлжалланмаган, назаримизда, вояга етмаганларга тайинланаётган жариманинг таъсирини мажбурлов чораларини қўллаш билан мустаҳкамлаш мумкин²². Бунинг учун қонунчиликка ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиш керак, яъни, суд юқорида айтиб ўтилган шахсий даромадига эга бўлмаган вояга етмаганларга нисбатан жарима жазоси қўллаш ўрнига ЖКнинг 88 - моддаси 1 - қисм “в” бандига асосан вояга етмаганни маҳсус ўқув тарбия колониясига жойлаштириш орқали жазо ўз мақсадига эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Жиноят қонунчилигимизда жазо тизимиға киритилган ўзгартиришларга кўра, қамоқ жазоси жазо тизимидан чиқарилиб, ўрнига мажбурий жамоат ишлари жазоси киритилди. Мазкур қоида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган асосий қадам бўлди. Мажбурий жамоат

²¹ Гаверов Г.С. Уголовное право РФ. Общая часть. Учебник. – Иркутск, 1994 г. Ст 200

²² У.Ш.Холиқулов. Вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари. ТДЮИ. Т.: 2006. 80-бет

ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатdir. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади, шунингдек мазкур жазо ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди. Мажбурий жамоат ишлари Кодекснинг 82¹-моддасига мувофиқ фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан олтмиш соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланиши белгиланган. Ушбу жазо вояга етмаганларнинг соғлиғига ва маънавий жиҳатдан ривожланишига зарар етказмаслиги, шунингдек ўқиши жараёнини бузмаслиги, таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 83-моддасида вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган ахлоқ тузатиш ишларига оид коидалар белгиланган. Ахлоқ тузатиш ишлари – бу маҳкумни суд ҳукми билан белгиланган муддатга мажбурий равишда меҳнатга жалб қилиб, унинг иш ҳақидан давлат фойдасига муайян миқдорда фоиз ундириш тариқасидаги жазо чораси ҳисобланади. Мазкур жиноий жазо тури ҳам фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга тайинланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қуйидагича тушунтириш берган: “Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етган, 16 ёшга тўлмаган шахсларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиши учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан тайинланмайди”. Ушбу жазони ўташ айбдор вояга етмаганнинг ўз иш жойида, агар у ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган худуддаги бошқа жойларда ўтайди. А.Ибрагимова фикрича, шахс ўн олти ёшга тўлгандан сўнг меҳнатга лаёқатли ҳисобланишини эътиборга олиб, ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашда суд айбланувчининг меҳнат мажбуриятларини бажара олишини аниқлаши, агар ушбу жазони бажаришга шахснинг хоҳиши бўлмаса жазо қўллашнинг самараси бўлмаслигини эътиборга олмоғи лозим. Амалиётдаги муаммо шундаки, вояга етмаган шахс

асосан коллеж, лицей талабаси ёки мактаб ўкувчиси бўлади, унга нисбатан аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланса, мажбурий таълим принципига зид келиши мумкин.

Шу ўринда таклиф сифатида айтишимиз мумкинки, вояга етмаган шахсларга аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаётганда унинг ўқиши жойига мажбурий тартибда биритириб қўйилиши, масалан, маълум вақтда дарсда бўлиш, маълум вақтда кутубхонада бўлиш каби мажбуриятларни юклаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84¹-моддасида вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклаш жазоси белгиланган бўлиб, ушбу жазо тури Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ- 389-сон Қонуни билан киритилган. Ушбу жазо суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарқ этишини бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муаян вақтида яшаш жойидан чиқиши чеклашдан иборат бўлиб, у бир ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Ушбу жазо чораси, эътибор берадиган бўлсак, вояга етганларга нисбатан бир ойдан беш йилгача, вояга етмаганларга нисбатан олти ойдан икки йилгача тайинланиши белгиланган.

2017 йил 29 мартағи ЎРҚ-421-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан ЖКнинг вояга етганларга нисбатан тайинланадиган озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларнинг минимал муддати олти ойдан бир ойга қисқартирилган. Бироқ, жиноят қонунида мазкур турдаги жазоларнинг вояга етмаганларга нисбатан ҳам тайинланиши белгилангани ҳолда вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум

қилиш тариқасидаги жазоларнинг минимал муддати олти ой сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас.

Суд-хуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг 6-бандида вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда уларнинг хуқуқий ҳимоясини қучайтириш, шунингдек судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш назарда тутилган. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида ЖК 84-моддани қуидаги таҳрирда, яъни 84¹-моддаси озодликни чеклаш вояга етмаган маҳкумларга нисбатан асосий жазо чораси сифатида бир ойдан икки йилгача муддатга тайинланади, деб баён қилиниши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ЖКнинг 50-моддасига биноан, озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатdir жазо тури бўлиб, ушбу жазо умумий қоидага кўра, бир ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади ҳамда юқоридаги Кодекснинг 85-моддасига кўра, вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси мазкур Кодекснинг 85-моддасида олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, деб белгиланган. Ваҳоланки, вояга етмаганларга тайинланадиган ушбу

жазонинг минимал даражаси вояга етган шахсларга тайинланадиган минимал даражадан ҳам кўп ҳисобланади.

Шунингдек, ЖҚда озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- б) оғир жиноят учун — олти йилгача;
- в) ўта оғир жиноят учун — ўн йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- б) оғир жиноят учун — етти йилгача;
- в) ўта оғир жиноят учун — ўн йилгача муддатга тайинланади²³, деб кўрсатилган.

Вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси бошқа жазоларга нисбатан алоҳида аҳамиятга эга, яъни бунда содир этилган жиноят учун инсонни жамиятдан ажратиш, уни озодликдан маҳрум қилиш, унинг муайян ҳуқуқларини чеклаш, унга давлат номидан мажбуров чораларини қўллаш назарда тутилади. Озодликдан маҳрум қилиш вояга етмаган маҳкумга, айниқса озодликдан маҳрум қилишга биринчи марта ҳукм қилинган шахсларга жуда кучли таъсир кўрсатади, ижтимоий адолатни тиклашга, янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга кўмаклашади. Бундан ташқари, мазкур жазонинг жиддий чекловлари мавжуд, яъни ушбу жазо шахсни жамиятдан ажратишдан ташқари, эркин харакатланиш, дам олиш вақтини танлаш, меҳнат фаолияти турини, яқинлари ва қариндошуруглари билан мулоқот қилиш ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқдир.

Юқоридагиларни ва Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартағи ЎРҚ-421-сонли Қонуни билан ЖКнинг вояга етганларга нисбатан тайинланадиган озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларнинг минимал муддати олти ойдан бир ойга қисқартирилганлиги жиноят қонунида мазкур турдаги жазоларнинг вояга

²³ Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами.06.09.2017 йил 6 сентябрь. 442-сон.

етмаганларга нисбатан ҳам тайинланиши белгиланганини ҳисобга олиб, уларга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларнинг минимал муддати олти ой сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас. 2016 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4850-сонли Фармонининг 6-бандида вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш назарда тутилган. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш, шунингдек, вояга етмаганларнинг ёши ва психологик ривожланиш нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда уларни жиноий жавобгарликка тортиш, хусусан улар томонидан содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда жиноят қонуни нормаларини либераллаштириш мақсадида ЖК 85-моддани қуидаги таҳрирда, яъни:

озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- б) оғир жиноят учун — беш йилгача;
- в) ўта оғир жиноят учун — саккиз йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- б) оғир жиноят учун — олти йилгача;
- в) ўта оғир жиноят учун — ўн йилгача муддатга тайинланади.

“Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди” деб баён қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Айтиш керакки, озодликдан маҳрум қилиш жазонинг мақсадларига бошқа (енгилроқ) воситалар билан эришиш мумкин бўлмаган ҳолдагина кўлланилиши керак. Ҳозирги шароитда қонуний кучга кирган ҳукмлар бўйича маҳкумларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи озодликдан маҳрум қилинади. Дарҳақиқат, вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум

қилиш тариқасидаги жазога аниқ ва узил-кесил баҳо бериш мүмкин эмас, чунки у салбий томонга ҳам, ижобий томонга ҳам эга. Мазкур жазонинг ижобий сифатлари мавжудлиги учун ҳам жазо тизимидағи ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Шу ўринда айтиш керакки, **М.А.Скрябиннинг** фикрига қўра вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги қўйидаги хусусиятларга эга:

- 1) вояга етмаганларга нисбатан жиноят қонунида назарда тутилган барча жазо чоралари қўлланилмайди;
- 2) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд уларнинг вояга етмаганлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди;
- 3) вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси энг оғир жазо сифатида ўзига хос хусусиятларга эга²⁴.

Шулардан келиб чиқиб айтишимиз мүмкинки, суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини вояга етмаган шахсга нисбатан фақатгина шахснинг тарбияланиши учун ёки бошқа жазо тайинлаш имокни йўқ деган хulosага келсагина тайинланиши лозимлиги хақидаги нормани қонунчилигимизда акс эттириш лозим.

2-§ Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишга оид нормалар таҳлили

Вояга етмаганларга нисбатан содир этган жиноятлари учун жиноий жазоларни қўллашдан ташқари, уларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, мажбуров чораларини қўллаш, шартли ҳукм қилиш кабилар тайинланиши мүмкин. ЖКнинг 16-боби “Жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш” деб номланиб, у ўз ичига 87-90 моддаларни қамраб олади. Мазкур Кодекснинг 87-модда 1-қисмида, вояга етмаганларга мажбуров чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан озод қилиш, 2-қисмида эса жазодан озод қилиш масалалари белгиланган.

²⁴ Рустамбоев М.С. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “Илм зиё”. 2005.

Шу ўринда, “Жиноий жавобгарлик” ва “Жиноий жазо” тушунчаларига таъриф бериб ўтиш лозим. Д.А.Султанова фикрича, “Жиноий жавобгарлик” тушунчаси “Жиноий жазо” тушунчасидан кенгроқ бўлиб, жазо ва судланганликни қамраб олади. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун судда жиддийроқ асослар мавжуд бўлиши, айбор шахснинг ижтимоий хавфлилиги эса, енгилроқ таъсир чоралари билан бартараф қилинадиган даражада анча кичик бўлиши лозим, чунки жавобгарликдан озод бўлган шахс нафақат жазодан, балки унинг ҳуқуқий оқибати бўлмиш, судланганликдан ҳам “озод” бўлади. Дарҳақиқат, жиноий жавобгарлик тушунчаси жиноий жазо тушунчасидан анча кенгроқ бўлиб, жиноий жазо эса жиноий жавобгарликнинг бир кўринишидир. Кодекснинг 87-моддаси 1-қисмида вояга етмаганларга мажбурлов чорасини қўллаган ҳолда жавобгарликдан озод қилишга оид коидалар белгиланган. Ушбу нормада белгиланишича, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айборнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хulosага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин. Бунда гап вояга етмаган шахс содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаслиги, шунингдек у биринчи марта содир этган бўлиши, қилмишининг хусусияти, вояга етмаган айборнинг шахси ва бошқа шу каби ҳолатларни эътиборга олиб, жиноий жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хulosага келгандагина жавобгарликдан озод қилиш ҳақида боради.

Яъни жиноий жавобгарликдан озод қилиш деганда, жиноят содир қилган шахсга нисбатан қонунда кўрсатилган жиноят-хуқуқий жазо чорасини қўлламай, аксинча, уни бундай жавобгарликдан озод қилиш тушунилади. Бу каби қоидалар жиноий жавобгарликдан озод қилиш турлари учун, жумладан, ярашганлиги муносабати билан, шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан

мажбурлов чораларини кўллаган ҳолда жиноий жавобгарликдан озод қилишга ҳам тааллуқлидир.

Айрим олимлар жиноий жавобгарликдан озод қилишни тугатиш лозим деб ҳисоблайди. Ш.Бердиев жиноий жавобгарликдан озод қилишни тугатиш лозимлиги тўғрисидаги фикр – мулоҳазаларни рад этиб, қўйидагиларни: биринчидан, ЖҚдаги жиноий жавобгарликдан озод этиш турлари ривожланган давлатлар жиноят қонунларида нормаларга ҳамоҳанг бўлиб, мамлакатимиз қонунида унинг турлари айрим давлатларга нисбатан кўпроқ эканлиги, иккинчидан, бу институтлар халқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган нормалари, принциплари ва андозаларига тўлиқ мос келиши, учинчидан, жиноят қонунларида инсонпарварлик принципининг мустаҳкамланишига кўмаклашиш, тўртинчидан, энг муҳими, мазкур институт суд-тергов амалиётида самарали қўлланилиши билан боғлиқ деб фикр билдирган.

Жиноий жавобгарликдан озод этишнинг хусусияти шундаки, у шахсда, хусусан вояга етмаган шахсда жиноий –хукукий мажбурлов чоралари, яъни уни жазолаш мумкинлигини англашилишига, жавобгарликнинг муқаррарлигини нафақат ҳис этиш, балки ундан кўрқиш, ҳайиқишига ундайди, натижада унинг жиноят содир этишдан ўзини тийиб туришга сабаб бўлиши мумкин.

Жиноий жавобгарлик давлатнинг мажбурлов чоралари билан тенглаштирилади. Шунингдек, А.В.Кладкова²⁵, Ю.М.Ткачевский²⁶ ва бошқа олимларнинг фикрига кўра, жиноий жавобгарлик - жиноят қилган шахсларга суднинг айблаш ҳақидаги ҳукмига мувофиқ давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш демакдир²⁷. Ушбу фикрларни амалдаги тасдиғи Кодекснинг 9-10 моддаларида белгиланган “айб учун жавобгарлик” ҳамда “жавобгарликнинг муқаррарлиги” каби принципларда ҳам кўринади, яъни

²⁵ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть/Под ред, Б.В.Здравомыслова. –М.: 2007. С.65.

²⁶ Ю.М.Ткачевский, Крылова Н.Е. Понятие и виды освобождения от уголовной ответственности// Курс уголовного права: Вып. 5 том. Под ред. Н.Ф. Кузнецовой и И.М. Тяжковой. Т. 2. Общая часть: Учение о наказании. – М.: 2002. С.163.

²⁷ Курс уголовного права. Общая часть. Т.1. Учения о преступлении. –М.: 2008. С.191.

содир этилган жиноят учун, албатта, жавобгарлик мавжуд ва бу жавобгарлик муқаррардир. Фикримизча ҳам, жиноий жавобгарлик давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Жиноий жавобгарлиқдан озод этиш, ўзининг юридик мазмунига қўра, айборнинг содир қилган жиноятининг барча ҳуқуқий оқибатларидан, жазодан ва судланганлик чекловларидан озод қилиниши, хуллас, давлат номидан суднинг айблов хукмида фуқарони жиноятчи деб эълон қилишдан воз кечишни билдиради²⁸. Яъни агар шахс жиноят содир этса ва белгиланган қоидалар асосида жиноий жавобгарлиқдан озод қилинса, жиноят содир этган шахс жиноятининг ҳуқуқий оқибатларидан, унга нисбатан тайинланадиган жиноий жазодан озод этилади, шунингдек судланганлик ҳолати келиб чиқмайди ҳамда суднинг давлат номидан чикарадиган айблов хукмида жиноятчи деб эълон қилинмаслигини англаатади.

Жиноят кодексининг 87-модда 1-қисмида вояга етмаган шахсларни жавобгарлиқдан озод қилишнинг маҳсус тури мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарлиқдан озод қилишга оид норма белгиланган. Айтиш керакки, жиноят ҳуқуки назариясида жиноий жавобгарлиқдан, хусусан вояга етмаганларни жиноий жавобгарлиқдан озод қилиш асослари ҳамда шартлари тўғрисидаги яқдил фикр мавжуд эмас. А.В.Наумов бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, жиноят содир қилган шахс фақат ижтимоий хавфли бўлмаган тақдирдагина уни жиноий жавобгарлиқдан озод қилишга йўл қўйилиши, шахснинг бундай тавсифланиши озод этишнинг ажralmas шарти сифатида зарур эканлигини таъкидлайди²⁹. Бизнингча ҳам, А.В.Наумовнинг фикрлари асосли, яъни жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмаган ҳолдагина уни жиноий жавобгарлиқдан озод қилишга йўл қўйилиши мумкин.

²⁸ Уголовное право РФ (Общая часть).-М.: Юрист, 2008. С. 430.

²⁹ Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. –М.: Бек, 2006, С.440-441.

Жиноят кодекси Умумий қисмининг 5 бўлими “жавобгарлик ва жазодан озод қилиш” деб номланиб, жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг турлари 64-68-моддаларда акс эттирилган.

Жиноят кодексининг 66-моддасига кўра, айбордor ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этишнинг қонун ҳужжатида белгиланган шартларига қуидагилар, яъни айбини бўйнига олиш ҳакида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш, шунингдек, етказилган зарарни бартараф этиш ҳамда шахс томонидан маълум тоифадаги жиноятларни биринчи марта содир этилганлиги киради. Таъкидлаш лозимки, шахс ўз айбини бўйнига олмас экан, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ҳолати ҳам содир бўлмайди³⁰. Демак, жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш асослари ва шартлари мавжуд бўлган ҳолатларгина Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекси талаблари асосида амалга оширилиши лозим.

Бу масалага М.Х.Рустамбаев эътибор қаратиб, жиноий жавобгарликдан озод этиш – бу жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар тимсолида давлат жиноят содир қилган шахсни ЖКда кўрсатилган барча ҳолатлар юзасидан ўзининг илгариги ижтимоий хавфлилик даражасини йўқотганлиги оқибатида шахсни маҳкум қилишдан воз кечиши, деб таъкидлайди³¹. М.Х.Рустамбаев ўз фикрини давом эттириб, қуидагиларни таъкидлайди, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш шахсга нисбатан айблов хукмини чиқаришдан воз кечиш бўлиб, лекин бу давлатнинг умуман жиноий хатти-ҳаракатни маъқуллашини англатмайди. Шунинг учун шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб ҳисобланган ҳолатларни, шахсни оқлашдан ёки жиноий хатти-ҳаракатларни истисно қилувчи ҳолатлардан фарқлаш лозим. Фиримизча, юқоридаги фикрлар асослидир, шунингдек шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш дегани

³⁰ Аликперов Х.Д. Освобождение от уголовной ответственности. –М.: 2002. Б-20-23.

³¹ Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан в пяти томах. Том II. Ташкент ТГЮИ, 2008. С.187.

давлат ушбу фаолиятга қарши эмас, уни қўллаб-куватлайди деганини билдирамайди.

Вояга етмаганларни жавобгарликдан озод қилиш эса мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда амалга оширилади. Г.А.Султанова³² фикрича, мажбурлов чоралари фақат вояга етмаганларга нисбатан қўлланилади ва ўзида тарбиявийлик мазмунини кўпроқ ифодалайди, шунингдек уларнинг қўлланилиши жиноят содир этган вояга етмаганларнинг жиноий фаолиятларини давом эттирмасликлари ва ижтимоий ҳаётга тезроқ қайтишлари учун муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, мажбурлов чоралари вояга етмаганларга нисбатан қўлланилганидагина тарбиявий аҳамиятга эга бўлади, бундай чораларни вояга етганларга тайинлаш мақсадли бўлмайди. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, мажбурлов чораларини қўллашнинг асосий шарти сифатида шахс вояга етмаган бўлиши лозим.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Жиноят кодексининг 87-моддаси биринчи қисмига кўра, “ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айборнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хulosага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин.” Бу мажбурлов чоралари вояга етмаганни жиноий жазо қўлламасдан ҳам тарбиялаш мақсадида қўлланади³³.

Жиноят кодексининг 88-моддасида вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари белгиланган, улар қуидагилар: суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш; ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш (ушбу

³² Султанова Г.А. Вояга етмаганлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва амалиёти. Магистрлик диссертасияси. Тошкент 2017 йил. Б 62.

³³ Усмоналиев М. Жиноят ҳукуки. Умумий қисм. Олий ўкув юртлари учун дарслик.—Т., «Янги аср авлоди», 2010й. Б-146.

мажбурий чора агар етказилган заар белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ошиб кетмаган тақдирдагина қўлланилади, бошқа ҳолларда етказилган заар фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ундирилади) ҳамда вояга етмаганни маҳсус ўкув-тарбия муассасасига жойлаштиришдан иборат.

Вояга етмаган шахсни жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги тегишли хужжатлар шахснинг яшаш жойи бўйича вояга етмаганлар ишлари туман (шаҳар) идоралараро комиссиясига жўнатилади. Шу ўринда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2833-сонли қарори қабул қилинди.³⁴ Ушбу қарор билан “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссиянинг” Низоми тасдиқланди. Низомга мувофиқ, вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар минтақавий комиссиялари, туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари ташкил этилди. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ушбу комиссияларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Худудий комиссиялар ўз фаолияти бўйича юқори турувчи комиссияларга ҳисобдор ҳисобланиб, фаолияти тўғрисида **хар чорак якунлари** бўйича уларни хабардор қилиб турадилар ва ҳисбот бериб борадилар.

Республика комиссиясининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Бош

³⁴ Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон

прокуратураси Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади. Худудий комиссиялар раис (туман (шаҳар), вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси), раис ўринбосари ва 10 — 18 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади. Республика, минтақавий идоралараро комиссия асосан қўйи турувчи идоралараро комиссия фаолиятини назорат қилиб, мувофиқлаштириш борганлагидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) идорлараро комиссия фаолиятига асосий эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Юқорида таъкидланган Низомга мувофиқ, туман (шаҳар) идорлараро комиссиялар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, вояга етмаганларни тарбиялаш, ўқитиш, сақлаш (парваришлиш) шароитлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги муассасаларида вояга етмаганлар билан муомалада бўлиш юзасидан назоратни ташкил этишдавлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш, тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва бунга имконият яратадиган шарт-шароитларни аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамкорлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб

чиқишиң ва амалга ошириш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасиға оид ахборотни түплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёхуд ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштириш ва уларнинг майиший яшаш шароитини яхшилашда ёрдам кўрсатиш, давлат ёрдамига муҳтож бўлган бошқа вояга етмаганларни жойлаштириш шаклларини аниқлашда қўмаклашиш, шунингдек вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилишга доир қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ишларни амалга ошириш орқали қуйидаги функциларни бажаради:

- ✓ халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат, маданият, спорт, ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг болаларни тарбиялаш, уларни жойлаштириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;
- ✓ туманлар (шаҳарлар) худудидаги вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг келтириб чиқарувчи сабаблари ва шароитларини бартараф этиш, болаларни жойлаштириш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- ✓ вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- ✓ давлат ва жамоат ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тадбирларини амалга оширади;

- ✓ вояга етмаганлар, педагогик жамоалар ва жамоатчилик ўртасида хуқуқий тарғиботни амалга оширади;
- ✓ вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;
- ✓ жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг майший яшаш шароитларини яхшилашга, давлат томонидан ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганларни жойлаштириш шаклларини аниқлашга ёрдам беради;
- ✓ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ комиссиялар ваколатига киритилган маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади;
- ✓ **вояга етмаганларга нисбатан таъсир қўрсатиш чораларини кўради.**
- ✓ Туманлар (шаҳарлар) комиссиялари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин. Биз учун аҳамияти юқорироқ бўлган функцияси ҳам айнан вояга етмаган шахсларга нисбатан таъсир чораларини қўллашдир.

Умуман олганда, туман (шаҳар) комиссиялари зиммасига қўйидаги вояга етмаганлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш юкланди:

- 1) ўн тўрт ёшга тўлмасдан ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, ўн уч ёшга тўлгандан кейин оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдирган вояга етмаганлар бундан мустасно;
- 2) ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгacha бўлган даврда жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган;

3) ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган даврда жиноят аломатлари бўлган қилмишлар содир этиб, уларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш рад қилинган ёки жиноий иш тутатилган;

4) ўн олти ёшгача бўлган даврда йўл ҳаракати қоидаларини бузган;

5) бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган;

6) умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълим муассасаларида (умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида) ўқишдан бош тортган;

7) **ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлиги учун қонунчиликка асосан жавобгарликдан озод қилинган;**

8) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган тартибда маъмурий хукуқбузарликлар содир этган.)

Бевосита таъсир чоралари ҳақида сўз юриттадиган бўлсақ, туман (шаҳар) комиссиялари ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган, яъни юқорида санаб ўтилган ҳолларда вояга етмаганларга нисбатан таъсир кўрсатиш чоралари сифатида қуидагиларга ҳақли:

Биринчидан, вояга етмаганга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш;

Иккинчидан, огоҳлантириш чиқариш;

Учинчидан, ўн беш ёшга тўлган вояга етмаган зиммасига, агар у мустақил иш ҳақига эга бўлса ва заарар микдори белгиланган базавий ҳисоблаш микдоридан ортиқ бўлмаса етказилган моддий заарнинг ўрнини қоплаш ёки уни бартараф этиш мажбуриятини юклаш ёки белгиланган базавий ҳисоблаш микдоридан ортиқ бўлмаган моддий заарни ўз меҳнати билан қоплаш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш;

Тўртинчидан, ўн олти ёшга тўлган ва мустақил иш ҳақига эга бўлган вояга етмаганга Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексида назарда тутилган ҳолларда ва миқдорларда жарима солиш;

Бешинчидан, вояга етмаганни ўз ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига, шунингдек уларнинг розилиги билан меҳнат жамоаси ёки нодавлат нотижорат ташкилоти кузатувига топшириш;

Олтинчидан, вояга етмаганни қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш³⁵.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мажбурлов чоралари қўлланилишига кўра, жазо чораси ҳисобланмайди, лекин мажбурлов чорасини қўллаш билан жазо чорасини қўллашнинг мақсади билан бир хил ҳисобланади, сабаби вояга етмаган айбдор шахсга мажбурлов чораларини қўллашда ишонтириш, қайта жиноят содир этмаслиги учун харакат қилиш орқали амалга оширилади. Шунингдек, ушбу чораларни қўллаш орқали бошқа жиноят содир этмаслиги унинг онг-у шуурига етказишга харакат қилинади.

Бу ўринда, “... миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов бошланишининг ўзиёқ тегишли хulosса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда кифоя бўлади”³⁶ деб таъкидлаб ўтган эди мамалакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов. Дарҳақиқат, айrim шахслар содир этган жиноятлари юзасидан терговга қадар текширув, тергов ҳаракатлари, сўроқ қилиш бошланганидаёқ ўз ишидан пушаймон бўлиши, қайтиб бу йўлга кирмаслиги тўғрисида хulosса чиқариб олишлари табиий. Яъни жиноят содир этган шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш турлича

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта ги “Хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2833-сонли қарори билан тасдиқланган ““Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссия Низоми”, 21-банди. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон

³⁶ И.А.Каримов “Адолат қонун устуворлигига” Т-“Ўзбекистон”-2002 й. Б-36.

бўлиши билан биргаликда, уларга таъсир қилиши, қилган ишининг хатолигини тушуниб етиши ҳам ҳар хилдир.

Вояга етмаганларга 87-модданинг биринчи қисмини қўллашда ушбу норма талабидан келиб чиқиб, қуидаги хусусиятларга эътибор қаратилиши лозим. Биринчидан, ушбу модда қўлланиш вақтида жиноят содир этган шахс ўн саккиз ёшга тўлмаган бўлиши, иккинчидан, содир этилган қилмиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмиш бўлиши, учинчидан, жиноят биринчи марта содир этилган бўлиши керак. Мажбурлов чораларини қўллашда суд ишнинг барча ҳолатларини, айборнинг шахсини ҳисобга олади ҳамда мазкур шахсни жиноий жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хulosага келгандагина жавобгарликдан озод қилиб, иш вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияда кўришга топширилиши мумкинлиги ва ушбу комиссиянинг вазифа ҳамда функциялари юқорида айтиб ўтилди.

Жиноят ҳукуқидаги “жиноят – жиноий жавобгарлик –жиноий жавобгарликдан озод қилиш – жазо каби ўзаро боғлиқ бўлган тўртта институтнинг жиноят ва жазо ҳақидаги таълимотнинг моҳиятини ташкил этишидан келиб чиқиб, уларнинг назарий ва амалий жихатларини чуқур таҳлил қилиш жиноятчиликка қарши курашишда, айниқса, жиноятчиликнинг олдини олишда, содир этилган жиноятни тўғри тавсифлаш ва адолатли жазо тайинлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини исботлаб берди.”

«Жиноий жавобгарлик» тушунчаси «Жиноий жазо» тушунчасидан кенгроқ ҳисобланади. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун судда жиддийроқ асослар мавжуд бўлиши, айбор шахснинг ижтимоий хавфлилиги эса, енгилроқ таъсир чоралари билан бартараф қилинадиган даражада анча кичик бўлиши лозим, чунки жавобгарликдан озод бўлган шахс нафақат жазодан, балки унинг ҳуқуқий оқибати бўлмиш, судланганликдан ҳам «озод» бўлади. Жиноий жазо эса жиноий жавобгарликнинг бир ифодаси ҳисобланади.

Жазодан озод қилиш жавобгарликдан озод қилишнинг бир тури ҳисобланади. ЖКнинг 87-модда 2-қисмида беш йилдан қўп бўлмаган

муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, агар содир этилган қилмишнинг хусусиятлари, айборнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан ҳам тузатиш мумкин деган хulosага келинса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиши шартлиги белгиланган.

Вояга етмаган шахсларни жазодан озод қилишнинг маҳсус турлари ЖКда кўрсатиб ўтилган. Яъни улар қуидагилар: мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиш (ЖК 87-модда), жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖК 89-модда) ҳамда жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 90-модда)лардир.

Вояга етмаган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишда суд, жиноят содир этишда айбор бўлган шахсга нисбатан айблов хукмини ва у билан боғлиқ бўлган жиноий жазоларни қўллашдан воз кечади. Амалда бунинг ифодасини суд томонидан (айрим ҳолларда тергов органлари томонидан ҳам) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси асосида жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинишида кўришимиз мумкин, шунингдек бунда давлат ва шахс ўртасидаги жиноят ҳуқукий муносабатлар тугатилишига олиб келиши назарда тутилади.

У.Ш.Холикулов³⁷ фикрича, жазодан озод қилиш маҳкумнинг ёки қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги жиддий равишда камлиги муносабати билан, айборни ахлоқан тузатиш ёки жимиятни ундан муҳофаза қилиш учун унга жазо тайинламаса ҳам бўлади деган қирорга келинса, жазони умуман ёхуд унинг бир қисмини ижро этишдан воз кечишида намоён бўлади. Фикримизча, юқоридаги фикрлар тўғри, шунингдек жазодан озод қилиш

³⁷ Холикулов У.Ш. Вояга етмаганларга жазо тайинламаснинг ўзига хос хусусиятлари. Тошкент. 2006 йил. Б 47.

фақат суд томонидан қонунда белгиланган тартибда ва ҳолларда амалга оширилади.

Таъкидлаш керакки, жиноий жавобгарликдан озод қилиш жиноят хуқуқий муносабатларнинг тугалланишини англатади, жазодан озод қилиш эса жиноят содир этган шахсга жиноий жазони амалда қўлламасликни билдиради. Мазкур институтини қўллаш жиноят қонунчилигимиздаги инсонпарварлик принципидан мақсадли фойдаланишда ўз аксини топади. Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда вояга етмаган шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш шулар жумласига киради.

Муайян вазиятларда маҳкумни ахлоқан тузатиш, тарбиялаш ва жиноятларни олдини олиш мақсадларига жазони амалда ўзгартирмасдан ҳам эришиш мумкин. Ҳукмни ижросини давом эттириш эса хуқуқбузарни тезда жамиятга қайтариш вазифаси билан (ижтимоийлаштирув вазифаси билан) зиддиятга киришиши мумкин. Жиноий жазодан озод қилиш институтининг мавжудлиги маҳкумларни ахлоқан тузалишини рағбатлантиради. Айтиш керакки, вояга етмаганларни жазодан озод қилиш алоҳида эътибор талаб қиласидиган айрим хусусиятларга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 30 сентябрь 2005 йилдаги №
ЎРҚ-10-сон Қонунига мувофиқ амалдаги ЖК 87-моддаси 2-қисмига ўзгартириш киритилган. Унга мувофиқ ЖК 87-моддаси 2-қисмидаги “уч” деган сўзи “беш” деган сўз билан алмаштирилган. Ушбу ўзгартиришнинг моҳияти ЖК 87-моддасида кўрсатилган унча оғир бўлмаган жиноятларни ЖК 15 моддасига мувофиқлаштириш ҳисобланади, чунки амалдаги қонунга кўра унча оғир бўлмаган жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган, шунингдек эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Қонунга киритилган ўзгартиришга кўра, беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган

унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, агар содир этилган қилмишнинг хусусиятлари, айборнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан ҳам тузатиш мумкин деган хulosага келинса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиши шарт.

Жиноят қонунини шархлаш қоидаларига асосланган ҳолда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган вояга етмаган шахс илгари ҳам бундай жиноятни содир этган тақдирда жазодан озод қилиниши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, бунда қонун чиқарувчи бу жиноят фақат такроран содир этилган бўлишини талаб қиласди. Агарда содир этилган жиноятлар ЖК Махсус қисмининг бошқа моддасидаги ёки айни бир модданинг турли қисмида назарда тутилган жиноятлар билан жиноятлар мажмуини ташкил қиласган тақдирда, жазодан озод қилишнинг бу турини қўллаб бўлмайди. Вояга етмаган шахс унча оғир бўлмаган жиноятни фақат қасдан содир этган бўлсагина, унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиш мумкин. Агар унча оғир бўлмаган жиноят эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган бўлса, жазодан озод қилишнинг бу турини қўллаб бўлмайди, чунки ушбу норманинг шархидан юқоридаги фикр тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, ЖК 87-моддаси 2-қисмига киритилган ўзгартиришнинг моҳияти аниқ берилмаган. Бунга сабаб сифатида унча оғир бўлмаган жиноятларга, юқорида кўрсатилганидек, қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киришини айтиш мумкин. Беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятлар фақат қасдан содир этилган бўлиши лозим, бироқ,

киритилган ўзгартеришда айб шакли бўйича аниқ бир маълумот берилмаган. Ваҳоланки, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши назарда тутилган ҳамда уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти қасдан содир этилиб қонунда уч йилдан ортиқ, аммо беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги билан бир хилдир.

Вояга етмаганларни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилишнинг ҳуқуқий жиҳати қўлланиладиган мажбурлов чораларининг хусусиятида бўлиб, вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигини амалга оширишнинг алоҳида шакли сифатида акс этади. Мажбурлов чораларини қўллашнинг формал асослари қўйидагилардан иборат бўлиб: биринчидан, вояга етмаган шахс томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этиш ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлиги учун беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш, иккинчидан, мазкур жиноят учун хукм қилиниши, шунингдек бу вояга етмаган шахсга жазо қўлламасдан туриб ҳам унинг тузалиши мумкинлигига ҳам урғу берилган. Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилинган вояга етмаган шахсга нисбатан, жавобгарликдан озод қилишдан фарқли ўлароқ, давлат номидан хукм чиқарилади, судланганлик ҳолатини вужудга келтиради, лекин агар улар томонидан янги жиноят содир этилса, мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жазодан озод қилинган жинояти учун жазога тортилиши мумкин эмас, суд вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиши ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ЖК жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишда бир хилдаги мажбурлов чораларини назарда тутар экан, улар ахлоқан тузатиш таъсирининг даражасига кўра, турлича бўлиши керак. Бунинг сабабини қўйидаги билан изоҳлаш мумкин.

Мажбурлов чораларининг тизими жазо тизимидан жиддий фарқ қиласи, яъни бунда кўпроқ тарбиявий воситаларга эътибор қаратилади. Мажбурлов чоралари ўз мазмунига кўра тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ижро этилиши хусусиятига кўра мажбурийдир, чунки айбдорга мажбурлов чоралари билан таъсир қилишда ишонтириш йўли билан ҳаракат қиласи, жиноят содир қилиш мумкин эмаслигини унинг онгига етказишга ҳаракат қиласи. Бундан ташқари, мажбурлов чораларини тайинлаш вояга етмаганинг ихтиёри ёки розилигидан қатъий назар амалга оширилади. Уларнинг ижроси эса давлат ҳокимиятининг мажбурлов кучи билан таъминланиши лозим, шу билан бирга, қонунда мажбурлов механизми белгиланмаган.

ЖКнинг 88-моддасидаги мажбурлов чораларининг қўлланилиши мазкур кодекснинг 87-модда 2-қисмига мувофиқ вояга етмаганни жазодан озод қилишнинг муҳим шарти бўлиши мумкин (суд белгилаган тартибда узр сўраш мажбурияти, етказилган заарни тўлаш ёки бартараф қилиш, маҳсус ўқув-тарбия муассасига жойлаштириш).

ЖКда белгиланган дастлабки мажбурлов чораси узр сўраш ҳисобланади, шунингдек ушбу мажбурлов чоралари қолганларига нисбатан энг енгили ҳисобланади. Мазкур мажбурлов чораси жабрланувчидан узр сўрашдан иборат, шунингдек унинг тартибини суд белгилаб беради. Ушбу мажбурлов чораси жабрланувчи олдида суд белгилаган тартибда суд мажлисида, иш жойида, ўқув муассасасида, жабрланувчи ёхуд айбдорнинг яшаш жойида манфаатдор шахслар олдида амалга оширилади. У.Ш.Холиқулов фикрича, узр сўраш мажбуриятини ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахсни жавобгарликдан озод қилиш тариқасида 14-16 ёшли ўсмирларга қўллаш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги фикрлар асослидир, чунки мазкур мажбурий чорани 14-16 ёшли шахсларга нисбатан қўлланилса, унинг тарбиявий аҳамияти янада ошади, яъни мақсадли бўлади. Шунингдек, ушбу чорани қўллашда эҳтиёткорликка

риоя қилиш керак, акс ҳолда айбдор формал равища узр сўрасада, унинг тарбиявий аҳамиятига эришиб бўлмаслик мумкин.

Мажбурлов чораларини иккинчи тури ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёхуд бартараф қилиш мажбуриятини юклаш ҳисобланади. Ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни бартараф қилиш мажбурияти юклатилиши, бунда унга ўз маблағи ҳисобидан тўлаш ёки меҳнати билан бартараф қилиш шарти билан юклатилиши мумкин.

Мазкур мажбурлов чоранинг аҳамияти етказилган зарар вояга етмаган шахс томонидан бевосита бартараф қилиниши ёки моддий зарарни ўз маблағи ҳисобидан бартараф қилинишида кўринади. Жиноят қонунчилигида ушбу мажбурлов чорани қўллаш айбдорнинг ёши, яъни ўн олти ёшга тўлганлиги билан ҳамда етказилган зарарнинг энг кўп миқдори билан, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ошиб кетмаган тақдирдагина қўлланилиши билан чекланган. Бундан шу хулоса келиб чиқадики, ушбу мажбурлов чорани белгилашда қуйидагиларни: вояга етмаган шахснинг меҳнат қобилияти (меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатини назарда тутувчи нормаларни ҳисобга олган ҳолда), мулкий аҳволи ва мустақил даромадини инобатга олиш керак. Айтиш мумкинки, вояга етмаган шахс томонидан мол-мулкка карши жиноятлар содир этилганда жазо чорасига муқобил равища тайинланадиган чора сифатида қўлланилади.

Вояга етмаган шахс содир этган жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини ҳисобга олиб, у томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этилганда ҳам индивидуаллаштирилиши лозим.

Учинчи мажбурлов чораси вояга етмаган шахсни маҳсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ҳисобланади. Мазкур мажбурлов чораси ўз хусусиятига кўра мажбурлов чораларининг анча оғир туридир. Маҳсус ўқув-тарбия муассасаси тарбияси оғир, хулк-атвори, ўзини тутиши яхши бўлмаган

вояга етмаган шахсларни тарбиялаш хулк-авторини тузатиш, жамиятга мослаштириш, тиббий ва ижтимоий реабилитациясини таъминлаш, шунингдек ўсмирлар томонидан таълим олиши учун шароит яратиб беришга мўлжалланган.

Айтиш керакки, ЖК 88-моддаси 2-қисмида вояга етмаган шахсларни маҳсус ўқув тарбия муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади, деб кўрсатилган холос.

Биз фақат ЖКга асосланиб мажбурлов чорасининг бу турини қўллайдиган бўлсак, уни кандай тоифадаги вояга етмаган жиноятчи шахсларга қўллашда кийинчиликларга дуч келишимиз мумкин. Мазкур масалага юқорида таъкидлаб ўтилган қарордан келиб чиқиб ечим беришимиз мумкин. Маҳсус ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чора, биринчидан - нисбатан салбий тавсифланадиган ўсмирларга тайинланиши керак, иккинчидан – вояга етмаган шахсларнинг маҳсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиш тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирига оид ишни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади, учинчидан – ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс маҳсус касб-хунар коллежига юборилиши мумкин.

Бундан ташқари, ЖКда мажбурлов чорасининг бу турини минимал ва максимал муддатлари белгиланмаган, Вазирлар Махкамасининг юқоридаги қарорида бунга оид қоида белгиланган, яъни вояга етмаган шахслар маҳсус ўқув-тарбия муассасаларида то ахлоқан тузалгунларига қадар сақланадилар. Демак, жиноят содир этган вояга етмаган шахсга мазкур мажбурлов чораси қўлланса, у ахлоқан тузалгунига қадар маҳсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлади.

Хорижий мамлакатларда ҳам ушбу мажбурлов чорасини қўлланилишини кўришимиз мумкин. Жумладан, Франция жиноят қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан ахлоқ тузатиш тариқасидаги

хавфсизлик чоралари қўлланилади.³⁸ Шунингдек, ушбу чоралар махсус мўлжалланган тарбия уйларида амалга оширилади. Айтиш керакки, ушбу хавфсизлик чорасини қўллаш муддати мазкур давлат қонунчилигига аниқ белгилаб қўйилган. Жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан хавфсизлик чораси қўлланилганда, бу муассасада бўлиш муддати суд томонидан аввалдан белгиланади ва ахлоқан тузалиш натижаларига қараб кейинчалик ўзгариши мумкин.

Россия Федерациясининг жиноят қонунчилида ҳам махсус тарбия ёки даволаш-тарбия муассасасида бўлишга оид норма Россия Федерацииси Жиноят кодексининг 92-моддаси иккинчи қисмида белгиланган бўлиб, унинг муддати унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланиши мумкин бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг максимал муддатидан ошиб кетиши мумкин эмас, яъни беш йил билан чегараланган, лекин минимал муддати тўғрисида бирорта қоида мавжуд эмас, бундан ташқари, ушбу Кодексда айборни махсус муассасада бўлиш муддатини қисқартириш ёки узайтириш ҳам назарда тутилган.³⁹

Юқорида қайд этилганларни эътиборга олган ҳолда ва қонунни бир хилда қўлланишини таъминлаш мақсадида бизнинг қонунчилигимизда ҳам бу чоранинг максимал муддатини мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди⁴⁰.

1.3. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларига оид суд амалиёти таҳлили.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сонли қарори билан қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга кўра, ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланиладиган

³⁸ https://www.legislationline.org/download/id/3316/file/France_Criminal%20Code%20updated%20on%2012-10-2005.pdf

³⁹ <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody&nd=102041891>

⁴⁰ У.Ш.Холиков. Вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари. ТДЮИ. Т.: 2006.

қонун бўйича у эртароқ балогатга етмаган бўлса, бола ҳисобланали белгилаб қўйилган⁴¹.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотига кўра, ўтган 2019 йилда мамлакатда ушбу тоифадаги аҳоли, яъни вояга етмаганлар сони мамлакат жами аҳоли сонининг 37 фоизини ташкил этган⁴². Ушбу фактдан ҳам вояга етмаганларга янада кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини, зеро улар мамлакатнинг эртанги куни эканлигини англаб олиш қийин эмас.

Мамлакатимизда суд-хукуқ ислоҳотлари баробарида судлар томонидан вояга етмаганларнинг ишларини кўришда жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларига ҳар доим риоя этилишини, вояга етмаганларнинг жиноят содир этишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни лозим даражада аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чоралари кўрилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ти қарори қабул қилинди.⁴³ Мазкур қарор қабул қилиниши нафақат судлар фаолиятида аниқ кўрсатмалар белгиланиб, ишларни янада инсонпарварлик ва одиллик принциплари асосида кўрилишига тамал тоши қўйди, балки вояга етмаганлар жиноятчилиги камайиши учун ҳам ўзига хос замин яратди.

Бундан ташқари, бугун судлар, прокуратура ва бошқа хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан вояга етмаган шахсларнинг хукуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида кўрилган чоралар натижасида вояга етмаганларнинг жиноятчилиги йилдан йилга камайиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидан олинган маълумотларга кўра, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 30 % га (1149-803), 2019 йилда эса 2018 йилга нисбатан 38 % га (803-497) га камайди.

⁴¹ Ҳамдамова Ф. Бола хукуqlarini ҳimoya қiliшning xукуқий асослари: xalқaro andozalar va milliy қonunchilik. –Toшкент: Ўзбекистон, 2010. –Б. –10.

⁴² <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystika-uz/6548-demografiya>

⁴³

Бироқ бу кўрсаткичларнинг йилдан йилга камайиб бораётгани қувонарли ҳолат бўлишига қарамасдан, хотиржамликка берилишга сабаб бўлолмайди. Сабаби 2017 йилда вояга етмаган шахсларга нисбатан кўзғатилган 1149 та жиноят ишида 1747 нафар, 2018 йилда эса 803 та жиноят иши бўйича 1045 нафар, 2019 йилда 378 нафар умумий ҳисоблагандага охирги 3 йил ичида **3170 нафар** вояга етмаган шахс жиноят содир этган. Мана бу кўрсаткич хавотирланишга арзиди.

Судлар томонидан ҳудудлар кесимида вояга етмаган шахсларнинг жиноят ишларини кўриб чиқишидаги 2019 йилнинг 12 ойи давомидаги амалиёти таҳлил қилинганда эса, энг юқори кўрсаткич **Тошкент шаҳри (77 та жиноят иши), Самарқанд (69 та), Фарғона (67 та), Тошкент вилояти (54 та)** ҳиссаларига тўғри келмоқда.⁴⁴ Кейиги ўринларда Наманган, Андижон Қашқадарё вилоятларида 30 дан ортиқ жиноят ишлари кўриб чиқилган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах вилоятларида 20 дан ортиқ, қолган вилоятларда ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим бўлган ҳолат акс этмоқда.

Ушбу ўринда судлар томонидан вояга етмаганларга нисбатан тайинланаётган жазолар ҳамда улардан кўзланган мақсадларга эришилаётганлик даражасини таҳлил қилишдан аввал Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг жазо тушунчасига берган ўзига хос таърифларини келтиришни жоиз деб ҳисобладик. Янги демократик жамият иштирокида “**жазо – шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳукуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш..., фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялашдир**”:⁴⁵

Ушбу жиноий жазоларни қўллашдан кўзланган мақсадларга эришилишига хизмат қилиши учун судлар томонидан вояга етмаган шахсларга қандай жазолар тайинланмоқда? Вахоланки вояга етмаган шахсга жазо тайинлаш, умуман жазо тайинлаш мураккаб ҳамда ўта масъулиятли

⁴⁴ <https://stat.sud.uz/>

⁴⁵ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон. 2002

вазифа ҳисобланиши бизга яхши маълум. Зеро тайинланган ҳар бир жазо шахснинг келажагига жуда катта таъсир кўрсатади.

Бош прокуратурадан олинган маълумотлар билан сўнгги 3 йилликдаги ҳолатни таҳлил қиласидиган бўлсак, 2017 йилда **712** та жиноят иши бўйича **1173 нафар** вояга етмаган шахсга суд томонидан айлов ҳукми чиқарилиб, **541** та жиноят иши бўйича **853 нафар** вояга етмаган шахсга жазо тайинланган. Тайинланган ушбу жазоларнинг **52 %** (444 нафарига) жарима, **22 %** (203 нафарига) озодликни чеклаш, **20 %** (166 нафарига) озодликдан маҳрум қилиш жазоси, **5,4 %** (38 нафарига) ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ҳамда **0,6 %** (2 нафарига) қамоқ жазо тайинланган. Бундан кўриш мумкинки, 2017 йилда судлар томонидан вояга етмаганларга нисбатан жарима жазосини қўллаш орқали жазодан кўзланган мақсадга кўпроқ эришиш мумкин деган хulosага келинган. Албатта бунда содир этилган жиноятнинг ижтимоий оғирлик даражаси, жиноят содир этган шахснинг хусусиятлари инобатга олинган, қонунга мувофиқ қарор қабул қилинган. Лекин суд томонидан тайинган 552022058 сўмлик жаримани қанчаси вояга етмаганнинг ота-онасидан эмас, балки ўзининг мустақил мол-мулкидан ундирилган.

Эътиборни 2018 йилдаги ҳолатга қаратадиган бўлсак, ушбу ҳисобот йилида вояга етмаганларга тайинланадиган жазолар тизимида ўзгариш бўлганлиги, яъни жазо тизмiga мажбурий жамоат ишлари жазоси киритилиб вазият бироз ўзгарганини ҳисобга олмаса, холат ўша. Рақамлар билан аниқроқ айтадиган бўлсак, ушбу йилда суд томонидан **604** та жиноят иши доирасида **827 нафар** вояга етмаган шахсга нисбатан айлов ҳукми чиқарилиб, уларнинг **570 нафарига** жазо тайинланган. Ушбу 570 нафар вояга етмаганлардан **215 нафари (38%)** **378295333 сўмлик жарима** жазоси билан, **206 нафари (36%)** озодликни чеклаш жазоси, **99 нафари (17,4%)** озодликдан маҳрум қилиш жазоси, **32 нафари (5,6%)** мажбурий жамоат ишлари, **18 нафари (3%)** ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан жавобгарликка тортилган. Бу рақамлардан ҳам кўриш мумкин бўлаптики,

вояга етмаганларга нисбатан тайинланаётган асосий жазо турлари жарима, озодликни чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда табиий савол туғиладики, нега мажбурий жамоат ишлари ҳамда ахлоқ тузатиш ишлари жазолари бошқа жазо турларига нисбатан сезиларли даражада кам қўлланмоқда. Бизнинг фикримизча, вояга етмаган шахс умумий мажбурий таълим олиш билан асосий вақтида банд бўлганлиги, судлар томонидан ушбу жазо тайинлашда вояга етмаган шахснинг таълим олиш хуқуқига салбий таъсир кўрсатмаслигини инобатга олингандигидир. Бундан ташқари, ахлоқ тузатиш ишлари жазони 16 ёшгача бўлган вояга етмаганларга тайинлаб бўлмаслиги тўғрисидаги норма ҳам ушбу рақамларнинг камлигига албатта таъсир этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, балки вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган ахлоқ тузатиш ишлари жазони қайта кўриб чиқиши, балки умуман жиноят кодексидан чиқариб ташлаш вақти ҳам келгандир. Мажбурий таълим тўғрисидаги принцип, вояга етмаганларга тайинланадиган жазоларни либераллаштириш лозимлиги тўғрисидаги хуқуқий ислоҳот йўналиши шунингдек, амалдаги статистик кўрсаткичлар ҳам ушбу фикримизга ижобий маънодаги асос бўла олади деб ҳисоблаймиз.

Шу сабабли ахлоқ тузатиш жазоси ўрнига вояга етмаган учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан олтмиш соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга **жамоат ишлари** жазосини кенг қўллаш амалиётига ўтиш таклиф этилади. Бунда вояга етмаган шахс маҳсус хизмати ходими назорати остидаги ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилинади ҳамда мажбурий жамоат ишлари жазосини бир вақтда ўзида ифодалайди. Яъни ушбу жазо билан Жиноят кодексидаги вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазолар тизимини соддалаштиришга эришиш мумкин. Шунда вояга етмаганларга жиноят қонуни билан агар унинг мустақил даромади мавжуд бўлса жарима жазоси,

фақат меҳнатга лаёқатли бўлганларига жамоат ишлари, озодликни чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазолари мавжуд бўлади.

Биз биламизки, судлар томонидан вояга етмаганларнинг жиноят ишлари кириб чиқилиб нафақат жазо тайинланади, балки жавобгарликдан ёки жазодан ҳам озод этилиши мумкин. Бу ҳақида илмий ишнинг аввалги параграфларида атрофлича тўхталинди. Хўш, 2018 йил давомида қанча вояга етмаган жазодан озод этилгани ва яна қанчаси жавобгарликдан озод этилган. Бош прокуратурадан олинган маълумотларга кўра, ушбу ҳисобот йилида 1 та жиноят иши бўйича 1нафар шахс Жиноят процессуал кодексининг 463-моддаси 2-қисми 2-бандидаги асос билан, яъни шахснинг хукм чиққунига қадар қамоқда ёки уй қамоғида бўлган вақти Жиноят кодексининг 62-моддасида назарда тутилган ушлаб туришни, қамоққа олишни ёки уй қамоғини ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб, суд томонидан тайинланган жазо чорасига teng ёхуд бу чорадан ортиқ бўлганлиги сабабли жазодан этилган бўлса, **39 та жиноят иши** доирасида **57 нафар** вояга етмаган шахсга, жумладан **32 нафари** хукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолганлиги сабабли, **21 нафари** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 71-моддасига мувофиқ, шахсни ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли, **3 нафари** маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан эришиш мумкин бўлганлиги сабабли ҳамда яна **1 нафар** маҳкум содир этган жинояит учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинганлиги сабабли жазо тайинламасдан ҳукм чиқарилган.

Бундан ташқари, 2018 йилда судлар томонидан 30 та жиноят иши бўйича **56 нафар** вояга етмаган шахслар мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан озод этилган. Ушбу мажбурлов чораларининг 53 таси узр сўраш ва 3 таси ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш бўлган ҳамда 2017 йилга нисбатан узр сўраш мажбурлов чораси 20 тага, ўқув-тарбия

муассасасига жойлаштириш эса 3 тага ошган. Бундан күришимиз мумкинки, судлар томонидан деярли биргина мажбурлов чораси тури қўлланмоқда ва бу ҳам мажбурлов чораларини қайта қўриб чиқиши, вояга етмаган шахс учун тарбиявий аҳамиятга эга янги чораларни қўллаш масаласини кўриб чиқиш лозимлигини талаб этади.

Ушбу ўринда таклиф сифатида, фикримизча, мажбурлов чораларини узр сўрашга нисбатан тарбиявий характердаги муайян психологик маслаҳат марказлариға мунтазам қатнаш, ўқув муассасасидаги машғулотларда мунтазам қатнашиш, турли кўнгилхушлик қиласидаги жойларга боришини тақиқлаш каби мажбурлов чораларини жиноят қонунчилигига киритиш лозим.

П БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИГИГА ОИД НОРМАЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. Хорижий мамлакатларда вояга етмаганларни жиной жавобгарликка тортишнинг айрим жиҳатлари

Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида нафақат юртимиизда, балки дунёнинг барча мамлакатларида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий асослар яратилиши билан бирга, маҳсус тизимлар ҳам ташкил этилган. Шундай тизимлардан бири ювенал юстициядир.

Ювинал юстиция нима деган саволга бир қатор тадқиқотчилар тушунтиришлар бериб ўтишган. Хусусан, **М.А.Хамирова** шундай таъриф беради: “ювенал юстиция халкаро атама булиб, вояга етмаганлар учун одил суддов ёки вояга етмаганлар суди маъносини англатади.”⁴⁶

В. Артыкова берган таъриф эса нисбатан умумийроқ, яъни унга кўра эса ювенал юстиция вояга етмаганларнинг ҳукукбузарликларига харакат билан жавоб берувчи тизимдир.⁴⁷ Бизнинг фикримизча, ювенал юстиция деганда, қонунга зиддиятда бўлган болалар билан муомала қилиш тушунилади. Янада соддароқ айтадиган бўлсак, жиноий жазо назарда тутилган қилмишни содир этган ва жиноий жавобгарлик ёшига етган вояга етмаганларнинг ҳукукбузарликларига оид ишлар буйича судловнинг алохида тизими.

Айнан XIX асрнинг охири вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигига қарши курашиш ҳақидаги баҳс-мунозараларнинг кескинлашуви билан характерланади. Илк маротаба 1899 йилнинг июль ойида АҚШнинг Иллинойс штатида болалар жинояти илк бор умумий суд тамойилларига кўра эмас, балки “Ота-она қарамоғидаги ва қаровсиз, жиноятчи болаларни назорат қилиш ва улар билан муомала қилиш тўғрисида”ги қонун асосида ёш болалар

⁴⁶ **Хамирова М.А.** Ювенал юстиция: у кандай булиши керак?/Масъул му-харрир ю.ф.д. Х.Бобоев.Т.: ТДЮИ. 2006. 40-6.

⁴⁷ **Артыкова В.** Приоритетные направления развития ювенальной юстиции в Узбекистане // Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: муаммолар ва ечимлар. Ўкув-услубий ва илмий-амалий мақолалар тўплами. -Т.: “KONSAUDITINFORM-NASHR”, 2008.-С.400

ишлари бўйича суд томонидан кўриб чиқилди.⁴⁸ Шундан сўнг АҚШнинг кўпгина штатлари ювенал юстиция тўғрисидаги қонунчиликка эга бўлди. 1925 йилга келиб, икки штатдан ташқари барча штатларда ювенал судлар ташкил қилинди.

Кейинчалик бу амалиёт бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқалди. Жумладан, Буюк Британияда 1908 йил, Франция ва Белгияда 1921 йил, Испанияда 1918 йил, Голландияда 1921 йил, Германияда 1922 йил ҳамда Австрияда 1923 йил қўлланила бошлади. Ушбу мамлакатларда судлар вояга етмаганлар ишларини ҳар доим бошқача шароитларда (масалан, ёпиқ мажлисларда) кўриб чиқади ва болаларга катталарга нисбатан енгилроқ жазолар қўллайди.

Мамлакатимизда ҳам илгор хорижий тажриба асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида **ювенал адлия тизимини жорий этиш бўйича концепция лойиҳасини** ишлаб чиқиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрель куни қабул қилинган ПҚ-4296-сон Қарорининг 16-бандида белгилаб қўйилганлиги бугунги кунда вояга етмаганларга ҳукумат томонидан берилаётган алоҳида эътибор намунаси деб ҳисоблаш мумкин.

Бундан ташқари, олиб борилаётган ЖК ва ЖПК нормаларини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлардаги асосий ўринни ахолининг ижтимоий муҳофаза муҳтоҷ қатлами, хусусан, вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазолар тизимини либераллаштириш, шунингдек такомиллаштириш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни қўллаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш масалалари ва конунчиликни ривожлантириш эгаллайди. Мазкур масалаларни инобатга олиб давлатнинг олий ҳокимият органлари қонунчиликни тақомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазолар тизимини

⁴⁸ **Б.Исмаилов.** Уголовная ответственность несовершеннолетних: законодательство Узбекистана и Германии: Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции РУз; Под общ. ред. А.Гафурова; - Т.: «Адолат», 2011. - 120 с

либераллаштириш уларни такомиллаштириш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш масалаларини ривожлантириш мақсади бугунги кунда хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва қонунчилигимизга тадбиқ қилинишини тақозо этади.

Хар бир мамлакатда шахснинг вояга етганлик ёши белгилаб қўйилган, бу ёшни ҳар бир давлат охолисининг ривожланганлиги ва бошқа ҳолатларини ҳисобга олиб белгилайди. Шу каби, мамлакатлар жиноят қонунчилигига жиноий жавобгарликка тортиш ёши белгиланган бўлиб, шунингдек вояга етмай туриб жиноят содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш ёки ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам кўрсатиб ўтилган.

Айрим хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигини ўрганиш ва таҳлил қилиш, жиноий жазо тизими, жазо тайинлашнинг ижобий жиҳатларини ўрганиб, бизнинг жиноят қонунчилигимизга тадбиқ қилиш ҳозирги кунда мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, **Россия Федерацияси** Жиноят кодексининг 5-бўлим, 14-бобида вояга етмаган шахсларнинг жиноий жавобгарлигига оид нормалар⁴⁹ белгиланган бўлиб, унинг 87-моддасига кўра, жиноят содир этилган вақтга келиб **ўн тўрт** ёшга тўлган, лекин **ўн етти** ёшга тўлмаган шахслар вояга этмаганлар деб эътироф этилиши кўрсатилган. Ушбу кодекснинг 88-моддасига кўра, вояга этмаганлар нисбатан тайинланадиган қўйидаги жазо турлари мавжуд:

- а) жарима;
- б) муайян фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш;
- в) мажбурий иш;
- д) ахлоқ тузатиш ишлари;
- э) озодликликни чеклаш;
- з) муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш.

⁴⁹ <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody&nd=102041891>

Жарима, вояга етмаган маҳкумнинг мустақил иш ҳақи ёки мол-мулки бўлган тақдирда ҳам, улар бўлмаган тақдирда ҳам ундирилади. Вояга этмаган маҳкумга тайинланган жарима, суд қарорига биноан, ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларидан уларнинг розилиги билан ундирилиши мумкин. Жарима минг рублдан эллик минг рублгача ёки икки ҳафтадан олти ойгача бўлган муддатдаги иш ҳақи ёки вояга етмаган маҳкумнинг бошқа даромадлари микдорида белгиланади.

Вояга этмаганлар учун бажарилиши мумкин бўлган ишларни бажаришдан иборат бўлган мажбурий ишлар уларга қирқ соатдан бир юз олтмиш соатгача бўлган вақтга тайинланади ва у бўш вақтларида ўқиш ёки асосий ишдан бўш вақтларида бажарилади. Ўн беш ёшга тўлмаган шахслар томонидан жазонинг ушбу турини бажариш муддати кунига икки соатдан, ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар томонидан кунига уч соатдан ошмаслиги керак.

Вояга этмаган маҳкумга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари бир йилгача муддатга тайинланади.

Озодликни чеклаш жазоси эса вояга этмаган маҳкумга нисбатан икки ойдан икки йилгача муддатга асосий жазо тариқасида қўлланилади.

РФ Жиноят кодексининг 88-моддасига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ўн олти ёшгача жиноят содир этган балоғатга этмаган маҳкумларга, олти йилдан ошмаган муддатга тайинланади. Агар вояга етмаган шахс оғир жиноятлар содир этса, ўн йилдан ошмаган муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ўқув колонияларида сақланадилар. Шуни эътиборга олиш лозимки, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ўн олти ёшгача биринчи марта енгил ёки ўртacha оғирликдаги жиноят содир этган вояга этмаган маҳкумга, шунингдек биринчи марта енгил жиноятни содир этган вояга этмаган маҳкумларга тайинланиши мумкин эмас.

Бундай жазолар Россияда 1990 йилларда жорий этилган вояга этмаганларнинг хуқуqlарини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган судлар томонидан тайинланади. Ювенал юстиция тизими ҳисобланган мазкур

судлар жиноий, фуқаролик ва маъмурий муносабатларда вояга етмаган шахслар тараф ҳисобланган ишларни кўриб чиқади.

Арманистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) 14 бобида вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигига оид нормалар белгиланган. Вояга етмаган шахсларга нисбатан жазо тайинлаш Арманистон (ЖК 90-модда) ва Тожикистон жиноят қонунчилиги (Тожикистон Республикаси Жиноят кодекси 86-модда)да нисбатан ўхшашдир. Ушбу давлатларда суд вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига риоя қилиши, шунингдек вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олиши лозим.

Арманистон ЖК 86-моддасида жазо турлари келтирилган бўлиб, уларга: жарима, жамоат ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш киради. 91-моддасида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган вояга етмаган шахсларга мажбурий чоралар қўлланилади деб белгиланган. Вояга етмаганларга қўлланиладиган мажбурий чоралар: огохлантириш, олти ойдан ошмаган муддатга ота-она ёки уларни ўрнини босувчи шахслар ёки ўзини ўзи бошқариш органлари назорати остига бериш, етказилган зарарни суд томонидан белгиланган муддатда қоплашдан иборат бўлаб олти ойгача белгиланади.

Тожикистон Жиноят кодексига кўра⁵⁰, вояга етмаганлар деб жиноят содир этилаётган пайтда **ўн тўрт ёшга тўлган** лекин **ўн саккиз ёшга тўлмаган** шахслар ҳисобланади. Шунингдек, ушбу Кодекснинг 87 – моддасида вояга етмаганлар учун жазо турлари сифатида: жарима, бирор бир фаолият билан шуғулланиш ҳукукидан маҳрум қилиш, мажбурий ишлар, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликдан маҳрум қилиш кабилар белгиланган.

Арманистоннинг жиноят қонунчилигига кўра⁵¹, ўртacha оғирликдаги, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган **ўн олти ёшгача бўлган шахсларга**

⁵⁰ http://continent-online.com/Document/?doc_id=30397325#pos=742:-56

⁵¹ <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus#5a>

нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум килиш жазоси тайинланганда ушбу жазонинг муддати етти йилдан ошмаслиги керак бўлса, Тожикистон қонунчилигига эса ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсга нисбатан хеч бўлмагандан битта оғир ёки ўта оғир жиноятни ўз ичига олган бир нечта содир этилган жиноятлар учун жиноятлар мажмуи ёки хукмлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум килиш жазоси тайинланганда мазкур жазо муддати ўн йилдан ошмаслиги кераклиги белгиланган.

Ўртacha оғирликдаги, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган ўн саккиз ёшгача булган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум килиш жазоси ўн йилдан ошмаслиги керак (Арманистон ЖК),

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсга нисбатан хеч бўлмагандан битта оғир ёки ўта оғир жиноятни ўз ичига олган бир нечта содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум килиш жиноятлар мажмуи ёки хукмлар мажмуи буйича муддати ўн икки йилдан ошмаслиги керак (Тожикистон ЖК).

Жиноят сордир этиш вақтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси Арманистонда ўн икки йилдан ошмаслиги керак; Украинада ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

Латвия жиноят қонунчилигига кўра ўн саккиз ёшга етмаган шахсларга ўта оғир жиноят учун озодликдан маҳрум килишнинг муддати ўн йилдан, оғир жиноятлар учун беш йилдан ошмаслиги керак.⁵²

Швеция Жиноят кодексида вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигига оид масалалар алоҳида бобда акс эттирилмаган. Ўн беш ёшга тўлмаган шахсга нисбатан жиноят содир этганлиги учун ушбу давлатда хеч қандай жазо қўлланилмайди.⁵³

⁵² <http://law.edu.ru/norm/norm.asp?normID=1243424&subID=100106935,100106942,100106954,100107262#text>

⁵³ http://www.sweden4rus.nu/rus/info/juridisk/ugolovnyj_kodeks_shvecii

Сербия Жиноят кодексида ўн тўрт ёшга етмаган шахслар бола хисобланади, вояга етмаганларга ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача шахслар киради. Шунингдек жиноят содир этаётган пайтда ўн тўрт ёшга етмаган шахсларга нисбатан жиноий жазо қўлланилмайди.⁵⁴

Украина Жиноят кодексининг 15-боби вояга етмаганлар жиноий жавобгарлиги деб номланган⁵⁵. 98-моддада уларга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари: жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Ушбу Кодексда вояга етмаган шахсларга нисбатан қўшимча жазо қўлланилиши кўрсатилган бўлиб, у бирор бир лавозимни эгаллаш ёки бирор бир фаолият билан шуғулланиш ҳукукидан маҳрум қилишдан иборат.

Латвия Жиноят кодексининг 7-боби вояга етмаганларнинг жавобгарлигига бағишлиланган. Мазкур Кодексда вояга етмаганлар жавобгарлигининг аниқ ёши кўрсатилмаган, факат ўн саккиз ёшга етмаган дейилган. Уларга нисбатан қўлланиладиган асосий жазо турлари: озодликдан маҳрум қилиш, жамоат ишлари, жарима кабилардир.

Осиё қитъасида жойлашган ривожланган давлат ҳисобланган Японияда вояга етмаганларнинг ишлари “Вояга етмаганлар тўғрисидаги Акт” (**Juvenile Act**)⁵⁶ ва Жиноят қонуни (**Penal Code**)⁵⁷ билан белгиланади. Жиноят қонуни, 41-моддасига кўра, 14 ёшга тўлмаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Япония Жиноят кодексида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги каби вояга етмаганлар учун алоҳида жазо турлари кўрсатиб ўтилмаган. Лекин умумий жазо турлари кодексининг 9-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, жиноят содир этган вояга етган шахслар содир этган жинояти учун **ўлим жазоси, умрбод озодликдан маҳрум қилиш (мажбурий ишлар билан ёки мажбурий ишларсиз), муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш (мажбурий ишлар билан**

⁵⁴ https://www.legislationline.org/download/id/5480/file/Serbia_CC_am2012_en.pdf

⁵⁵ <https://meget.kiev.ua/kodeks/ugolovniy-kodeks/razdel-15/>

⁵⁶ http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail_main?vm=02&id=1978

⁵⁷ http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail_main?re=02&ia=03&vm=02&id=1960

ёки мажбурий ишларсиз), жарима, жиноий қамоқ, оз микдордаги жарима ҳамда қўшимча жазо сифатида мусодара жазо турлари билан жазоланиши мумкин.

Бироқ “Вояга етмаганлар тўғрисидаги Акт” кўра, вояга етмаган шахсларга нисбатан айрим истисно қиодалар мавжуд. Ҳусусан, 10 ёшгача бўлган вояга етмаганлар жиноий жавобгарликдан озод қилинган. 11-13 ёшдаги вояга етмаганлар жиноий жавобгарликка тортилмайди, лекин “тарбия колониялари” га юборилиши мумкин. Ушбу Актда 18 ёшга тўлмаган вояга етмаган шахслар 51-моддасига мувофиқ, енгилроқ жиноий жавобгарликка тортилиши, яъни агар қилмиш учун ўлим жазоси белгиланган бўлса, муддатсиз озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади, агар муддатсиз озодликдан маҳрум қилиш белгиланган бўлса, 10 йилдан ортиқ, 15 йилдан кўп бўлмаган муддатдаги озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Бизга маълумки, Японияда суд тизими ягона бўлиб (конституциявий, иқтисодий, жиноий, фуқаролик ва бошка судлар мавжуд эмас), у иерархия тамойилларига асосан ташкил топган. Шу сабабли мамлакатда Олий суд, 8 та юкори суд (Токио, Осака, Нагоя, Ҳиросима, Фукуока, Сендаи, Саппоро ва Такамацу шаҳарларида), 50 та минтакавий, 50 та оиласвий, ва 438 та интизомий судлар фаолият юритади.⁵⁸

Мамлакатнинг 50 та жойида (туман судлари билан бир хил), 203 та жойда филиаллари ва 77 та жойлардаги маҳаллий идоралари бўлган Оиласвий судлар эр ва хотин, ота (она) ва бола(лар) ўртасидаги, никохни бекор қилиш, нафака тўлаш, мерос ва бошка оиласвий келишмовчиликлардан келиб чиқадиган низолардан ташқари, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишлари ва улар билан боғлиқ фуқаролик низоларини кўриб чиқиб мазмунан ҳал этади. Ушбу судларнинг ваколатига вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган хуқуқбузарлик ва жиноятлар,

⁵⁸ <http://japan.kantei.go.jp/judiciary/0620system.html>

вояга етмаганларга зарар келтирувчи жиноятлар, вояга етмаганларнинг ҳукуқлари ва манфаатларини химоя килиш билан боғлик бўлган оила ҳукукининг барча масалалари киради.

Англияда вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги ва жазоси "Ёшларнинг суд ишлари ва жиноий далиллар тўғрисида" ги Қонунда (1999 й) белгиланган. Инглиз қонунларига кўра, вояга етмаганлар З тоифага бўлинади: болалар (10 дан 13 ёшгacha), ўсмирлар (14 ёшдан 15 ёшгacha) ва ёшлар (16 ёшдан 17 ёшгacha)⁵⁹.

Суд 10 ёшдан 13 ёшгacha бўлган болалар томонидан содир этилган жиноятлар учун қуйидаги жазолардан бирини тайинлаши мумкин:

- 1) вояга етмаган шахснинг янги жиноятлар содир этишини олдини олиш учун унинг хатти-ҳаракатларини назорат қилишни ота-онасига белгиланган муддатда (3 йилгacha) юклаш ва улардан 1000 (минг) фунтгача жарима ундириш;
- 2) вояга етмаган шахсни белгиланган муддатда (3 йилгacha) муайян ҳаракатларни бажармасликка мажбурлаш ва ундан 250 фунт стерлинггача жарима ундириш;
- 3) йилгacha бўлган синов муддати асосида шартли равишда жиноий жавобгарликдан озод қилиш;
- 4) ота-оналар ёки васийлардан жаримани ундириш (250 фунтгача)
- 5) ота-оналар ёки васийлардан этказилган зарар учун товон пули (5 минг фунтгача) ундириш;
- 6) балоғатга етмаган болани белгиланган муддатда (24 соатгача) маҳсус марказда бўлишга мажбурлаш;
- 7) вояга етмаган шахсни пробация хизмати бошлиғи назорати остига (3 йилгacha) топшириш;
- 8) жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш;.

⁵⁹ Канкишев Е.Д. Особенности уголовной ответственности и наказания несовершеннолетних по законодательству России и зарубежных стран. Реферат. УДК 343.22 ст.14
<https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-ugolovnoy-otvetstvennosti-i-nakazaniya-nesovershennoletnih-po-zakonodatelstvu-rossii-i-zarubezhnyh-stran/viewer>

Худди шундай жазолар 14 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўспириналарга нисбатан қўлланилиши мумкин ҳамда улардан ҳам, унинг ота-онасидан ҳам ундириладиган жариманинг миқдори 1 минг фунтгача оширилиши мумкин. Шунингдек, 15 ва ундан катта ёшдагилар 2 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Шу билан бирга, қамоққа олиш ўрнига алтернатива сифатида 3 йилгача пробация хизмати бошлиғи назорати остидаги топширилиши мумкин.

16 ёшдан 17 ёшгача бўлган ёшларга ўсминаларга нисбатан қўлланиладиган барча жиноят-хуқуқий чоралар қўлланилиши мумкин. Шу билан бирга, маҳсус марказда бўлиш муддати 36 соатгача оширилиши мумкин.

Хориж тажрибасини таҳлил қилиш натижасида яна бир маротаба ишонч ҳосил қилиндики, бугунги кунда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг хуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш, Жиноят ва Жиноят процессуал кодексларидағи вояга етмаганларга оид нормаларни такомиллаштириш, мамлакатимизда ювенал адлия бўйича алоҳида қонунчиликни шакллантириш ҳамда қонун билан зиддиятли ҳолатда бўлган болалар, жабрланган ва гувоҳ болаларга дўстона муносабатдаги одил судлов тизимини жорий этиш долзарб масалалардан бирига айланди.

Бугунги кунда ушбу масаланинг долзарблиги ҳамда бир томондан Ўзбекистон қонунчиликдаги адолат ва инсонпарварлик принципларини амалиётга изчил жорий этиш орқали вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иккинчи томондан вояга етмаганларнинг жавобгарлигини либераллашишига, учинчи томондан эса жиноят қонунчилигига илгор хорижий тажрибани имплементация қилинишига эришиш учун қўйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, ювенал адлиянинг жиноий жавобгарлик ёшини оширишни ўз ичига оладиган хуқуқий ислоҳот эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Жиноят кодексида вояга етмаган учун жиноий жавобгарлик ёшини 14 ёш этиб белгилаш, ундан кичик ёшда содир этилган жиноятлар

учун жиноий жавобгарлик белгиланмаслиги ҳақидаги нормани акс эттириш лозим. Чунки бу нафақат халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистонга кўрсатмалари, балки бир қатор юридик психология соҳасида изланиш олиб борганлар томонидан берилган фикр ҳам ҳисобланади. Сабаби шахс ўзининг ижтимоий хавфли қилмишининг оқибатини англаб етиши учун 14 ёшга тўлган бўлиши лозим.

Иккинчидан, илгор хорижий тажрибани ўрганиб 18 ёшгача бўлган фуқаролар ишларини кўриб чиқувчи алоҳида судларни ташкил қилиш керак. Бепул юридик ёрдам хизматини жорий қилиш лозим. Зоро, мамлакатимизда ҳеч бир вояга етмаган шахс ўзини ҳимоясиз ҳис қиласлиги зарур.

Учинчидан, Жиноят кодексидаги вояга етмаганлар учун тайинланадиган жазо тизимларини оптималлаштириш, амалиётда кам қўлланадиган, жазодан кўзланган мақсадга эришилишига акс таъсир кўрсатадиган жазо турларини чиқариб ташлаш, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни (пробация) қўллашни кенгайтириш лозим.

Тўртинчидан, вояга етмаган шахсларнинг ишларини юритиш учун алоҳида ихтисослаштирилган кодекс ишлаб чиқишининг ҳам вақти келди. Ушбу кодексда вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишини қўзгатиш, дастлабки терговни олиб бориш, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш, суд мухокамаси, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш ва ҳукмни ижрога қаратиш каби процессуал ҳаракатлар тартибга солиниши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ушбу ислоҳотлар орқали ювенал юстиция институтини жорий этишга, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишига, улар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг камайишига, тарбия колонияларига давлат томонидан сарфланадиган харажатларнинг камайишига, шунингдек Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янги босқичга кўтаришга замин яратилади. Бундан

ташқари, амалга ошириладиган ушбу ислоҳотлар Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2.2. Вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигини либераллаштиришнинг айрим масалалари

Жиноят содир этган шахсларга, хусусан, вояга етмаган шахсларга шахсларга жиноий жазоларнинг репрессив чораларни қўллаш ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри бўлавермайди, ўсмирларнинг психофизиологиясидан, катта ёшдаги жиноятчилар таъсири остида жиноят содир этиш ҳолатлари кўп учрашини инобатга олиб, уларга мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиш институтини ривожлантириш керак.

ВВ Богданов, ФВ Габдрахманов, ОВ Корневалар вояга етмаганлар содир этган жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб, уларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазо турларини халқаро миқёсда ўрганиб, жиноий одил судловни инсонийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришни ҳисобга олиб, бундай жазоларни камайтириш керак⁶⁰лигини таъкидлаб ўтган.

Вояга етмаган шахслар жиноятчилиги билан курашишда ижтимоий-иқтисодий чоралар биринчи ўринда туришини инобатга олган ҳолда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган вояга етмаган шахсларнинг шахси, турмуш шароити, тарбияси, қилмишининг хусусияти ва бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш ва бу борада жамоатчиликни кенг миқёсда жалб қилиш, тарбиявий таъсир чораларини қўллаш катта аҳамиятга эга.

ЖК 87-моддасининг иккинчи қисмида мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилишга оид норма белгиланган.

Жазодан озод қилиш маҳкумнинг ёки у содир қилган қилмишининг хусусиятидан келиб чиқиб, у ижтимоий хавфлилиги камлиги учун, айборни

⁶⁰ Любавина М.А. Особенности уголовной ответственности и наказания несовершеннолетних: учебное пособие / М.А.Любавина. – Санкт-Петербургский юридический институт (филиал) Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2015. –104 с.

ахлоқан тузатиш ёки жимиятни ундан муҳофаза қилиш учун унга жазо тайинламаса ҳам бўлади деган қирорга келинса, жазони умуман ёхуд унинг бир қисмини ижро этишдан воз кечишида намоён бўлади. Таъкидлаш керакки, жазодан озод қилиш фақат суд томонидан белгиланган тартибда ва ҳолларда амалга оширилади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш жиноят хуқуқий муносабатларнинг тугалланишини англатади, жазодан озод қилиш эса жиноят содир этган шахсга жиноий жазони амалда қўлламасликни ифодалайди. Жазодан ёки жавобгарликдан озод қилиш институтида жиноят қонунчилигимиздаги инсонпарварлик принципи, жиноят хуқуқий репрессияни тежаш ва ундан мақсадли фойдаланиш ғоялари ўз аксини топган⁶¹. Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда вояга етмаганларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш шулар сарасига киради.

Муайян вазиятларда маҳкумни ахлоқан тузатиш ва жиноятларни олдини олиш мақсадларига жазони амалда ўзгартирмасдан ҳам эришиш мумкин. Хукмни ижросини давом эттириш эса хуқуқбузарни тезда жамиятга қайтариш вазифаси билан (ижтимоийлаштирув вазифаси билан) зиддиятга киришиши мумкин. Жиноий жазодан озод қилиш институтининг мавжудлиги, маълум даражада, маҳкумларни ахлоқан тузалишини рағбатлантиради. Вояга етмаганларни жазодан озод қилиш алоҳида эътибор талаб қиласиган айрим хусусиятларга эга.

ЎзР ЖК 87-модда 2-қисмида уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, агар содир этилган қилмишнинг хусусиятлари, айборнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан ҳам тузатиш мумкин деган хulosага келинса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиши шартлиги белгиланган эди.

⁶¹ Холиқулов У.Ш. Вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Тошкент. 2006 й. 47-б.

Ўзбекистон Республикасининг 30.09.2005 йилдаги №ЎРҚ-10 қонунига мувофиқ ЖК 87-моддаси 2-қисмига ўзгартириш киритилган. Унга мувофиқ ЖК 87-моддаси 2-қисмидаги “уч” деган сўзи “беш” деган сўз билан алмаштирилган. Ушбу ўзгартиришнинг моҳияти ЖК 87-моддасида кўрсатилган унча оғир бўлмаган жиноятларни ЖК 15-моддасига мувофиқлаштиришдир.

ЖК 87-моддаси 2-қисмида вояга етмаган шахс унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этса ва бунинг учун қонунда беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган бўлса, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни содир қилган қилмишининг хусусиятлари, айборнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини хисобга олиб, суд мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиш масаласини кўриб чиқиши шарт.

Юқоридаги модданинг шарҳлагандаги қўйидаги маъно келиб чиқади, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган вояга етмаган шахс илгари ҳам бундай жиноятни содир этган тақдирда жазодан озод қилиниши мумкин, бунда қонун чиқарувчи бу жиноят вояга етмаган шахс тоонидан фактак тақроран содир этилган бўлишини талаб қиласди. Агар вояга етмаган шахс содир этган жинояти жиноятлар мажмуини ташкил қиласа, жазодан озод қилишнинг бу турини қўллаб бўлмайди. Унча оғир бўлмаган жиноят учун беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш қоидасидан келиб чиқиб шуни айтиш керакки, бу жиноят фактак қасдан содир этилган бўлсагина вояга етмаган жиноятчини мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиш мумкин, бироқ унча оғир бўлмаган жиноят эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган бўлса, жазодан озод қилишнинг бу турини қўллаб бўлмайди. Таъкидлаш керакки, киритилган ўзгартиришда айб шакли хақида тўлиқ маълумот берилмаган. Ваҳоланки, унча оғир булмаган жиноят учун тайинланадиган озодликдан

махрум қилиш жазосининг муддати ҳар хил бўлса-да, лекин уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти бир хилdir.

У.Ш.Холиқулов⁶² фикрича, мажбурлов чораларини қўллашнинг формал асослари қўйидагилар:

1) вояга етмаган шахс томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этиш ёки беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этиши;

2) мазкур жиноят учун ҳукм қилиниши.

Бундан ташқари, ушбу моддада вояга етмаган шахсни жазо қўлламасдан ҳам тузатиш мумкин деган хуносага келинсагина жазодан озод қилиш талаби қўйилган. Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиш жавобгарликдан озод қилишдан фарқли равища, вояга етмаган шахсга нисбатан ҳукм чиқарилади ва жазодан озод қилинади.

ЖКнинг 88-моддасига мувофиқ, вояга етмаган шахсни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишда бир хилдаги мажбурлов чораларини қўлланади. Мажбурлов чораларининг тизими жазо тизимидан жиддий фарқ қиласди. Мажбурлов чораларини қўллашда кўпроқ тарбиявий воситаларга, яна жиноят содир қилиши мумкин эмаслиги унинг онг-у шуурига етказилишига эътибор берилади ҳамда бу чораларнинг ижро этилиши мажбурийдир. Шунингдек, мажбурлов чораларини вояга етмаган шахсларга нисбатан қўллашда уларнинг бунга ихтиёри ёки розилиги сўралса-да, ундан қатъий назар амалга оширилади. Бу чоралар давлатнинг мажбурлов воситалари билан таъминланади, бироқ қонунчилигимизда мажбурлов механизми аниқ белгиланмаган.

ЖКнинг 88-моддасида узр сўраш мажбурияти, етказилган заарни суд белгилайдиган тартибда тўлаш ёки бартараф қилиш, маҳсус ўқув-тарбия муассасига жойлаштириш каби мажбурлов чоралари кўрсатилган.

⁶² Холиқулов У.Ш. Вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Тошкент. 2006 йил. Б 47.

Айтиш керакки, ЖКда вояга етмаган шахсларга қўлланиладиган мажбурлов чораларининг муддатлари белгилаб қўйилмаган. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда ва қонунни бир хилда қўлланишини таъминлаш мақсадида бизнинг қонунчилигимизда ҳам бу чоранинг максимал муддатини мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хорижий давлатларнинг қонунчилигидан бу масалага оид қоидалар ўрганилганда бизнинг қонунчилигимиздан бирмунча фарқ қилишининг гувоҳи бўлдик. Қирғизистон Республикаси жиноят қонунчилигига вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораларининг қўйидаги турлари мавжуд, яъни: огохлантирув, ота- она ёки уларни босувчи шахслар ёхуд давлат органи ходими назоратига қўйиш. Шунингдек, вояга етмаганлар учун бир нечта мажбурий чоралар қўлланилиши мумкин, унинг амал қилиш муддати эса бир ойдан уч ойгача бўлиши мумкин. Бизнинг қонунчилигимиздан фарқли равишда мазкур давлат жиноят қонунчилигига вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурий чораларнинг муддати кўрсатиб ўтилган.

Арманистон Республикаси ЖКнинг 91-моддасида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган вояга етмаган шахсларга мажбурий чоралар қўлланилади деб белгиланган бўлиб, улар: огохлантириш, олти ойдан ошмаган муддатга ота-она ёки уларни ўрнини босувчи шахслар ёки ўзини ўзи бошқариш органлари назорати остига бериш, етказилган зарарни суд томонидан белгиланган муддатда қоплашдан иборат бўлиб, ушбу мажбурлов чоралари олти ойгача белгиланади.

Мажбурлов чораларининг бошқаларига нисбатан энг енгили узр сўраш ҳисобланади. Вояга етмаган шахс жабрланувчидан оғзаки ёки ёзма равишида, қўпчиликнинг олдида ёки якка тартибда узр сўрайди. Узр сўраш жойи, вақти ва тартибини суд белгилайди. Узр сўраш мажбуриягини юклаш тариқасида мажбурлов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли хужжат

расмийлаштирилади⁶³. Умумий қоидага кўра, ушбу мажбурлов чораси содир этилган қилмиш маънавий зарар етказиш, жамоат тартибини бузишга қаратилган бўлсагина қўлланади, бироқ қилмиш натижасида жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига, ўзгаларнинг мулкига зарар етказиладиган бўлса, бундай чора қўлланмайди.

Шунингдек, суд томонидан етказилган заарни бартараф қилиш мажбурияти ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш орқали бартараф қилиш мажбурияти юклаши мумкин, лекин ушбу мажбурлов чораси келтирилган заар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган тақдирдагина қўлланиши қонунчилигимизда белгилаб қўйилган. Суд ушбу жазо турини тайинлаган вақтида вояга етмаган шахснинг меҳнат қобилиятини, турмуш шароитини, мулкий аҳволини ва мустақил даромадини инобатга олиши керак.

Вояга етмаган шахсни маҳсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мажбурлов чорасининг анча оғир тури бўлиб, ушбу тарбия муассасаси ўсмирлар хулқ-атворини тузатиш ва жамиятга мослашишни қамраб олган руҳий, тиббий ва ижтимоий реабилитациясини таъминлашга ҳамда таълим олиши учун шароит яратиб беришга мўлжалланган⁶⁴.

Вояга етмаганлар ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ахлоқан тузалгунларигача сақланадилар, лекин бу муддат уч йилдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари жойлашган жойдаги туман (шаҳар) комиссияси ўқувчига кўрсатиб ўтилган муассасаларда жорий ўқув йилида ўрта умумтаълим мактаби ёки касб-хунар коллежининг тегишли синфини тугаллагунгача уч йил муддат ўтгандан кейин ҳам қолишга рухсат бериши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ЖК 88-моддасининг 2-қисмида куйидаги қоида белгиланган, яъни вояга етмаган шахсларни маҳсус ўқув-тарбия

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2017 й., 13-сон, 194-модда.

⁶⁴ Султанова Г.А. Вояга етмаганлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва амалиёти. Магистрлик диссертасияси. Тошкент 2017 йил. Б 62

муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади. Вояга етмаганларнинг маҳсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиши тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирга оид ишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланиши қайд этилган⁶⁵.

Юқоридаги муаммоли ҳолатга ечим бериш мақсадида таҳлил қилинган қонунчилик нормаларини бир хил тарзда қўлланилишини таъминлаш учун ушбу мажбурлов чорасини қўлланилишида минимал ва максимал муддатни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2017 й., 13-сон, 194-модда.

Хулоса.

Илмий адабиётлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили ҳамда амалиёт статистик маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари асосида қуйидаги назарий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

Илмий-назарий таклифлар:

Биринчидан, жиноят ҳуқуқи бўйича адабиётлар ва норматив-хуқуқий хужатларни таҳлил қилиш натижасида ушбу тушунчага қуйидагича муаллифлик тушунчаси ишлаб чиқилди:

Жиноий жавобгарлиика тортилувчи вояга етмаган шахс – жиноят содир этгунга қадар 14 ёшга тўлган, бироқ 18 ёшдан кичик бўлган ақли расо, ақлан ва жисмоний жиҳатдан ривожланишда белгиланган ёшдан орқада қолмаган шахслардир.

Иккинчидан, қонунчилигимизда мавжуд бола, вояга етмаган шахс ҳамда ёшлар каби тушунчаларини унификация қилиш лозим.

Учинчидан, вояга етмаган шахс томонидан содир этилган жиноят учун жамоат ишлари жазосига қуйидагича тушунча берилади:

Жамоат ишлари – бу фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаган шахсга нисбатан суд томонидан олтмиш соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга, вояга етмаган шахсни таълим олишдан бўш вақтини муайян жойда ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш орқали маҳкумни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган жазо туридир.

Амалий таклифлар:

Биринчидан, одиллик ва инсонпарварлик принциплари, шунингдек илғор хорижий давлат тажрибаси ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотларнинг тавсияларидан келиб чиқсан ҳолда Жиноят кодекси 17-моддаси 2-қисмини чиқариб ташлаш ҳамда ушбу модданинг 3-қисмидаги “Жиноят кодекси 97-модда 1-қисми” жумласини “Жиноят кодекси 97-моддаси” жумласи билан алмаштириш лозим.

Иккинчидан, жиноят кодексидаги вояга етмаганлар учун тайинланадиган жазо тизимини оптималлаштириш, амалиётда кам

кўлланадиган, жазодан кўзланган мақсадга эришилишига акс таъсир кўрсатадиган жазо турларини чиқариб ташлаш, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашни кенгайтириш мақсадида Жиноят кодекси **81-моддаси 1-қисмининг а¹, б, в¹ бандларини чиқариб ташлаш** ҳамда қуидаги таҳрирда қайта қўриб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз. **“Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:**

- 1) жарима;**
- 2) жамоат ишлари**
- 3) озодликни чеклаш**
- 4) озодликдан маҳрум қилиш”.**

Киритиладиган ушбу ўзгариш, ўз навбатида, кодекснинг 82¹-моддаси, 83-моддалари ҳам ўз кучини йўқотишига сабаб бўлади.

Учинчидан, Жиноят кодекси 85-моддаси 1-қисмидаги вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси **олти ойдан ўн йилгача муддатга** тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно деган жумлани “вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси **бир ойдан ўн йилгача муддатга** тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно” деган жумла билан алмаштириш лозим. Ваҳоланки, одиллик ва инсонпарварлик принциплари асосига қурилган Жиноят кодексимизда **вояга етган шахслар** учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг минимал муддати **бир ой,** **вояга етмаган шахслар** учун эса ушбу муддатнинг **олти ой** бўлиши адолат принципларига зид ҳисобланади.

Тўртинчидан, жазодан кўзланган асосий мақсад ҳисобланган маҳкумнинг ахлоқан тузалиши ва қайта тарбияланиши учун Жиноят кодекси 82-моддаси 1-қисмини қуидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Жарима мустақил даромад манбайи бўлган вояга етмаган шахсга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан йигирма

бараваригача миқдорда тайинланади”. Интернет орқали ўтказилган ижтимоий сўровда иштирок этганларнинг катта қисми ҳам ушбу фикрни билдирган, яъни мустақил даромади мавжуд булган вояга етмаган шахсгагина жарима жазоси тайинланиши лозимлиги таъкидланган.⁶⁶ Ҳақиқатдан ҳам жарима жазоси мустақил даромади мавжуд бўлмаган вояга етмганга тайинланганда, аксарият ҳолларда жарима миқдори уларнинг отоналари, васий ёки ҳомийлари томонидан тўланади ҳамда ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотади. Бундан ташқари, жаримани тўлаган шахсларнинг вояга етмаган шахсга шунча зарар келтирганлик ҳақидаги тана-дашномлари уларни ушбу жарима миқдорини яна жиноят содир этиш, ўғирлик, талонторож қилиш каби жинояларни содир этишига сабаб бўлиши мумкин.

Бешинчидан, вояга етмаган вактда содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатини жазони ўтаб бўлган кундан бошлаб тутатиш лозим. Яъни Жиноят кодексининг 78-моддасида белгилаб қўйилган судланганлик ҳолатининг тугалланиши асосларига вояга етмаган шахслар жазони ўтаб бўлган кундан бошлаб судланганлик ҳолати тугалланади мазмундаги қўшимча киритиш лозим. Судланганлик ҳолати сақланиб қолиши вояга етмаганнинг келажакда ўз йўлини топиб кетишига тўсиқ бўлиши, бошка жиноят йўлига кирмаслиги, ижобий турмуш тарзига ўтишига салбий таъсир қилиши мумкин.

Олтинчидан, Жиноят кодексига вояга етмаган шахсга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тўғрисидаги нормага, яъни 85-моддага **суд вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда, бошка жазо тайинлаш имкони йўқлигини асослаши шартлиги тўғрисидаги қоидани киритиш лозим.**

Еттинчидан, вояга етмаган шахсларни жиноий жавобгарлиқдан озод қилишда қўлланиладиган мажбурлов чораларини тарбиявий аҳамияти юқори бўлган мажбурлов чоралари билан ислоҳ қилиш лозим. Хусусан, **ўқув муассасасига мунтазам қатнаш мажбурияти, муайян реабилитация ва**

⁶⁶ https://docs.google.com/forms/d/1SDX3nms3WIdIgbm6_CybLKo1BAAVVorXr8-nVLYNQ/edit#responses

психологик маслаҳат дастурларига қатнаш, мажбурий китоб мутола қилдириш (ижтимоий сўровдан олинди) кабиларни қўллаш амалиётини кенгайтириш лозим.

Саккинчидан, жиноят содир этиш пайтида **ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача** бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатини ўн беш йилдан ўн уч йилга қисқартириш. Бундан ташқари, **ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача** бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати **саккиз** йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, **ўн йилгача**, Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси — **ўн йилгача** муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, **ўн икки йилгача** муддатга қисқартириши назарда тутувчи жавобгарликни енгиллаштриувчи нормаларни киритиш лозим. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида Жиноят қонунчилигининг аҳолининг ижтимоий заиф қатлами ҳисобланган вояга етмаганларга нисбатан янада инсонпарварлигини таъминлаш, жиноят процессига жалб этилган вояга етмаганларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган жиноий-ҳукукий нормаларни такомиллаштириш вазифалари қўйилган.

Шундан келиб чиқиб, вояга етмаганларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан уларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазоларинг муддатларига ўзгартериш киритилиш, уларни либераллаштириш лозим бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Раҳбарий адабиётлар:

1.1. Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи 2016 йил 8 декабрь.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимидағи “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” номли маърузаси.

1.3. И.А.Каримов Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. 409 Б.

1.4. И.А.Каримов “Адолат қонун устуворлигига” Т-“Ўзбекистон”-2002 й. Б 36.

1.5. И.А Каримов. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.19-том.Т., «Ўзбекистон», 2011-йил. 220 бет.

II. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро-хуқуқий

хужжатлар:

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. -40 б.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.

2.3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.07.2018 й., 03/18/487/1569-сон.

2.4. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон.

2.5. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги” Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

2.6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ- 389-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 425-модда.

2.7. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-421-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Судхукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон.

2.11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 21-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // <https://lex.uz/docs/-1449720> .

2.12. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари” // United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice (“The Beijing Rules”).
<https://resourcecenter.savethechildren.net/library/united-nation-standard-minimum-rules-administration-juvenile-justice-beijing-rules>

2.13. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг олдини олиш учун бош тамойиллар” (ар-Риёд тамойиллари) // United Nations Guidelines for the prevention of juvenile Delinquency (The Riyadh Guidelines).
<https://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/PreventionofJuvenileDelinquency.aspx>

2.14. Уголовный кодекс Российской Федерации II Там же. - 1996. - № 25, ст. 2954 ; То же : в ред. от 7 апр. 2010 г. // Там же. - 2010. - № 15, ст. 1744.

2.15. Тожикистон Жиноят кодекси // http://continent-online.com/Document/?doc_id=30397325#pos=742;-56

2.16. Арманистон Республикаси Жиноят кодекси // <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus#5a>

2.17. Латвия жиноят кодекси // <http://law.edu.ru/norm/norm.asp?normID=1243424&subID=100106935,100106942,100106954,100107262#text>

2.18. Швеция Жиноят кодекси // http://www.sweden4rus.nu/rus/info/juridisk/ugolovnyj_kodeks_shvecii

2.19. Сербия

Жиноят

кодекси

//

https://www.legislationline.org/download/id/5480/file/Serbia_CC_am2012_en.pdf

2.20. Украина Жиноят кодекси // <https://meget.kiev.ua/kodeks/ugolovniy-kodeks/razdel-15/>

2.21. Япония

Жиноят

кодекси

(Penal Code)

//

http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail_main?re=02&ia=03&vm=02&id=1960

2.22. Япония “Вояга етмаганлар түғрисидаги Акти” (**Juvenile Act**) //¹ http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail_main?vm=02&id=1978

III. Илмий адабиётлар ва дарсликлар:

3.1. *M.X. Рустамбоев* Жиноят хуқуқи (умумий қисм). Олий Ўқув юртлари учун дарслик. – Т. : «ИЛМ ЗИЁ» 2005. - 477 бет.

3.2. *M. Усмоналиев.* Жиноят хуқуқи (умумий қисм). – Т.: «Янги аср авлоди», 2010, - 662 бет.

3.3. *M.X. Рустамбоев* Ўзбекистон Республикаси жиноят хуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят түғрисида таълимот. ОТМ учун дарслик. — Т.: «ILM ZIYO», 2010. — 400 б.

3.4. *M.X. Рустамбоев* Ўзбекистон Республикаси жиноят хуқуқи курси. I I том. Умумий қисм. Жиноят түғрисида таълимот. ОТМ учун дарслик. — Т.: «ILM ZIYO», 2010. — 304 б.

3.5. *Г.С. Гаверов* Уголовно-правовые меры, не связанные с лишением свободы, и их применение к несовершеннолетним правонарушителям : учеб. пособие / Г.С. Гаверов. - Иркутск, 1981.

3.6. *Н.И.Матузов* Теория государства и права : учебник. - 2-е изд., перераб. и доп. / Н.И. Матузов, А.В. Малько. - М. : Юристъ, 2005.

3.7. *Г.С. Гаверов* Уголовное право РФ. Общая часть. Учебник. – Иркутск, 1994 г.

3.8. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть/Под ред, Б.В.Здравомыслова. –М.: 2007.

3.9. Ю.М.Ткачевский, Крылова Н.Е. Понятие и виды освобождения от уголовной ответственности// Курс уголовного права: Вып. 5 том. Под ред. Н.Ф. Кузнецовой и И.М. Тяжковой. Т. 2. Общая часть: Учение о наказании. – М.: 2002.

3.10. А.В. Наумов Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. –М.: Бек, 2006.

3.11. М.А Любавина. Особенности уголовной ответственности и наказания несовершеннолетних: учебное пособие / М.А.Любавина. – Санкт-Петербургский юридический институт (филиал) Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2015.

3.12. Л.В. Веселова, Ответственность несовершеннолетних, страдающих психическими отклонениями: уголовно-правовые и криминологические аспекты: учеб. пособие/ Л.В. Веселова, Л.А. Прохоров-Краснодар, 2005.

3.13. Р.И Панкратов,. Дети, лишенные свободы / Р.И. Панкратов, Е.Г. Тарло, В.Д. Ермаков. - М., 2003.

3.14. П.Г. Пивоваров, Психологическая характеристика преступлений несовершеннолетних, их профилактика : учеб. пособие / П.Г. Пивоваров, В.Н. Соловьев. - Домодедово, 2002.

IV. Илмий мақолалар, диссертация ва монографиялар:

4.1. У.Ш.Холикулов. Вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари. ТДЮИ. Т.: 2006.

4.2. Ф.Хамдамова Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари: халқаро андозалар ва миллий қонунчилик. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

4.3. М.А. Хамирова Ювенал юстиция: у кандай булиши керак?/М асьул му-харрир ю.ф.д. Х.Бобоев.Т.: -ТДЮИ. 2006.

4.4. В.Артыкова Приоритетные направления развития ювенальной юстиции в Узбекистане // Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини

химоя қилиш тизими: муаммолар ва ечимлар. Ўкув-услубий ва илмий-амалий мақолалар тўплами. -Т.: “KONSAUDITINFORM-NASHR”, 2008.

4.5. Б.Исмаилов. Уголовная ответственность несовершеннолетних: законодательство Узбекистана и Германии: Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции РУз; Под общ. ред. А.Гафурова; - Т.: «Адолат», 2011

4.6. Г.А.Султанова Вояга етмаганлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва амалиёти. Магистрлик диссертасияси. Тошкент 2017

4.7. Ю.Е. Пудовочкин Ответственность несовершеннолетних в уголовном праве : история и современность : монография. Ставрополь, 2002.

4.8. И.В. Шаповаленко Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология). — М.: Гардарики, 2005.

4.9. Р.В.Новиков Назначение наказания несовершеннолетним в современных условиях. - диссертацияна соискание ученой степени кандидата юридических наук

4.10. И.Исмоилов Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши кураш чоралари хақида // Мустақил Ўзбекистонда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари: Илмий ишлар тўплами. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ФА И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1994.

V. Интернет ресурслари:

5.1. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

5.2. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий саҳифаси.

5.3. <https://stat.sud.uz> – Олий суд саҳифаси.

5.4. <https://prokuratura.uz> – Бош прокуратура расмий саҳифаси.

5.5. <https://yoshlarittifoqi.uz> – Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи расмий саҳифаси

5.6. <http://japan.kantei.go.jp/judiciary/0620system.html> - Япония Олий суди расмий саҳифаси.

ИЛОВАЛАР

ЛОЙИХА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯ Т КОДЕКСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

	Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
1	<p>17-модда. Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги.</p> <p>2-қисм. Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдирганликлари (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар.</p> <p>3-қисм. Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97-моддасининг биринчи қисми, 98, 104 — 106, 118, 119, 137, 164 — 166, 169-моддалари, 173-</p>	<p>Чиқариб ташланмоқда</p> <p><u>“Жиноят кодекси 97-модда 1-қисми”</u> жумласини <u>“Жиноят кодекси 97-моддаси”</u> ўзгартириш лозим</p>	<p>МДҲ давлатларининг деярли барчасида ҳамда кўпгина бошқа хорижий мамлакатлардаги каби энг кичик субъект ёши 14 ёшга кўтарилигандаги сабабли модданинг иккинчи қисми чиқарилмоқда.</p> <p>Ўн тўрт ёш субъект ёшига ЖКнинг 97-модданинг иккинчи қисми ҳам киритилмоқда.</p>

	моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар		
2	<p>81-модда. Жазо тизими. Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуидаги асосий жазолар кўлланилиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) жарима; а1) мажбурий жамоат ишлари; б) ахлоқ тузатиш ишлари; в1) озодликни чеклаш; г) озодликдан маҳрум қилиш. 	<p>81-модда. Жазо тизими. Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуидаги асосий жазолар кўлланилиши мумкин:</p> <p style="text-align: center;"><u>1) жарима;</u> <u>2) жамоат ишлари</u> <u>3) озодликни чеклаш</u> <u>г) озодликдан маҳрум қилиш”</u></p>	<p>Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо тизими соддалаштирилади. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ва миллий қонунчилигимиздаги принципларга, хусусан, таълим олиш, мажбурий таълим принципларига зид бўлган жазо турлари чиқариб ташланади.</p>
	<p>82-модда. Жарима Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади.</p>	<p>82-модда. Жарима <u>Мустақил даромад манбайи бўлган вояга етмаган шахсга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади</u></p>	<p>Жазодан қўзланган мақсадга эришиш, тайинланган жазонинг тарбиявий аҳамиятини ошириш мақсадида жарима жазони мустақил даромади мавжуд вояга етмаган шахсларгагина тайинлаш</p>

3			<p>лозим. Амалиётда тайинланаётган жарима жазонинг деярли барчаси вояга етмаган шахснинг ота-онаси, қариндошлари, васий ҳамда ҳомийлари томонидан тўланиши сабабли вояга етмаган шахсда жазодан осонгина қутилиш мумкин деган тушунча пайдо бўлишига, такроран жиноят содир этишига олиб келади.</p>
4	<p>85-модда. Озодликдан маҳрум қилиш</p> <p>Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлариданазарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.</p>	<p>85-модда. Озодликдан маҳрум қилиш</p> <p>Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси бир ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.</p>	<p>одиллик ва инсонпарварлик принциплари асосига қурилган Жиноят кодексимизда вояга етган шахслар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг минимал муддати бир ой, вояга етмаган шахслар учун эса ушбу муддатнинг олти ой бўлиши адолат принципларига зид хисобланади.</p>
5	<p>Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:</p> <p>б) оғир жиноят учун — олти йилгача;</p> <p>в) ўта оғир жиноят учун — ўн йилгача муддатга тайинланади.</p> <p>Озодликдан маҳрум қилиш</p>	<p>Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:</p> <p>б) оғир жиноят учун — беш йилгача;</p> <p>в) ўта оғир жиноят учун — етти йилгача муддатга тайинланади.</p> <p>Озодликдан маҳрум қилиш</p>	

	<p>жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:</p> <p>б) оғир жиноят учун — етти йилгача;</p> <p>в) ўта оғир жиноят учун — ўн йилгача муддатга тайинланади.</p>	<p>жиноят содир этиш пайтида <u>ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача</u> бўлган шахсларга нисбатан:</p> <p>б) оғир жиноят учун — олти йилгача;</p> <p>в) ўта оғир жиноят учун — ўн йилгача муддатга тайинланади.</p>	
6	<p>Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.</p>	<p>Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган <u>ёки</u> унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.</p>	<p>Озодликдан маҳрум этиш жазоси вояга етмаган шахсни ҳам жисмонан, ҳам манан синишига олиб келади ҳамда унинг келажагига салбий таъсир ўтказади. Шу сабабли озодликдан маҳрам қилиш жазосини қўллашни камайтириш, муддатларини қисқартириш вояга етмаган шахсга ҳам, давлат бюджетига ҳам фойдалироқ бўлади. Чунки жазони ижро этиш муассасасида ҳар бир маҳкум учун миллиардлаб харажат қилинади.</p>
7	<p>86-модда. Жазо тайинлаш</p> <p>Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча хукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн</p>	<p>Жиноят содир этиш пайтида <u>ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача</u> бўлган шахсларга нисбатан бир неча хукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати <u>ўн</u></p>	


	<i>беш</i> йилдан ошмаслиги керак.	<u>уч</u> <u>йилдан</u> ошмаслиги керак.	
8	<p>78-модда. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши</p> <p>Шахснинг судланганлик ҳолати куйидаги пайтларда тугалланади:</p> <p>а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан — синов муддати тугаган кундан бошлаб;</p> <p>б) мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач;</p> <p>в) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек муайян хуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтга;</p> <p>г) озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин — икки йил ўтга;</p> <p>д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтга;</p> <p>е) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — етти йил ўтга;</p> <p>ж) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш</p>	<p>Куйидаги мазмундаги қўшимча киритиш тавсия этилади:</p> <p>а¹) вояга етмаган шахсларга нисбатан – жазо ўтаб бўлинган кундан бошлаб</p>	<p>Судланганлик ҳолати саланиб қолиши вояга етмаган шахснинг келажагига салбий таъсир этиши, бошқа жиноят йўлига кирмаслиги, ижобий турмуш тарзига ўтишига салбий таъсир қилиши мумкин.</p>

9	<p>йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — ўн йил ўтгач.</p> <p>88-модда. Мажбурлов чоралари</p> <p>Вояга етмаган шахсларга нисбатан куйидаги мажбурлов чоралари қўлланилади:</p> <p><i>a)</i> суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш;</p> <p><i>b)</i> ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаровий ҳуқуқий тартибда ундирилади;</p> <p><i>c)</i> вояга етмаганни маҳсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.</p>	<p>88-модда. Мажбурлов чоралари</p> <p>Вояга етмаган шахсларга нисбатан куйидаги мажбурлов чоралари қўлланилади:</p> <p>1) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш;</p> <p>2) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаровий ҳуқуқий тартибда ундирилади;</p> <p>3) вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.</p> <p>4) ўқув муассасасига мунтазам қатнаш мажбурияти;</p> <p>5) муайян реабилитация ва психологик маслаҳат дастурларига қатнаш;</p>	<p>Тарбиявий аҳамияти юқорироқ бўлган мажбурлов чораларини қўллаш орқали ваояга етмганларини жиноий жавобгарлаикдан озод қилиш амалиётини кенгайтириш тавсия этилади.</p>
---	---	--	---

	6) муайян жойларга бормаслик	
--	-------------------------------------	--

Касбингиз?

36 ответов




Активация Windows
Чтобы активировать Windows, перейдите в раздел "Параметры".



Сизнингча вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган Қайси жазо тури жазодан кўзланган мақсадга эришилишга хизмат қилмаяпти?

36 ответов



Сизнингча, жиноят содир этган вояга етмаган шахсга нисбатан жарима жазо тайинлашда қандай масалаларга эътибор қаратиш лозим?

36 ответов

Вояга етмаган шахснинг мустакил даромад манбайи бор еки йуклигига

Mustaqil daromad manbayiga

Oilaviy holatiga


Мехнат фаолияти билан шугулланишига

Oilaviy ahvoliga

Табиийки вояга етмаганлар жиноят содир етганда, копинча уларнинг ота ёки онаси толайди, бундай вазиятда боланинг ози кийналиб топмаган пулига ачинмаслиги аник болиб колади, шунинг учун Активация Windows
чора активировать Windows
раздел "Параметры".

Жиноят содир этган вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум Қилиш жазосининг минимал муддатини 6 ойдан 1 ойга қисқартириш керак.

36 ответов



Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум Қилиш жазосининг муддатини ўн беш йилдан ўн уч йилга қисқартириш керакми?

36 ответов

Ха

На

Ha albatta

Qo'shilaman

10 йилга

Активация Windows

Чтобы активировать Windows, перейдите в раздел "Параметры".

Вояга етмаган шахсларга нисбатан яна Қандай мажбурлов чораларини қўллаш мумкин?

36 ответов

Мажбурий китоб у'китиш

1. Укув муассасига мунтазам катнаш;
2. Психолог еки маслахат марказларига катнаш

Majburiy kitob mutolaasi

Kitob mutlaa qilish

Исломий таълим олиши

Psixologga majburiy borish

Активация Windows
Чтобы активировать Windows, пе
рекод "Параметры"

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини чиқариб ташлаш керак. АТИ жазоси вояга етмаганнинг таълим олишига салбий таъсир қилади.

36 ответов



Активация Windows
Чтобы активировать Windows
раздел "Параметры".

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Олий суд stat.sud.uz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ

	иши	шахс				шахслар				
Андиқон вилояти	2278	2865	117	1976	460	1281	235	235	34	60
Бухоро вилояти	1477	1857	61	1321	307	999	15	111	25	40
Жиззах вилояти	1215	1601	61	1203	298	889	16	112	20	32
Қашқадарё вилояти	2014	2543	114	1984	448	1416	120	231	31	72
Рақатпогистон Республикаси	1040	1245	58	761	174	514	73	83	29	16
Навоий вилояти	852	1185	42	885	253	624	8	100	11	10
Наманган вилояти	2151	2685	97	1896	545	1280	71	209	37	40
Самарқанд вилояти	3016	3750	155	2836	701	2095	40	370	69	84
Сирдарё вилояти	709	938	42	750	205	522	23	76	11	16
Сурхондарё вилояти	1504	1952	57	1518	300	1133	85	154	19	42
Тошкент вилояти	4012	5419	185	4210	972	2967	271	396	54	118
Тошкент шаҳар	4714	6089	242	4908	1522	3141	245	637	77	90
Фарғона вилояти	2937	3631	133	2574	569	1861	144	305	67	63
Хоразм вилояти	923	1095	41	789	203	564	Активация Windows 10	93	20	
Жами	28842.0	36855.0	1405.0	27611.0	7017.0	19286.0	Чтобы активировать Windows 10, перейдите в раздел "Параметры".	1368.0	3112.0	497.0

Mail